

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ҚИРҒИЗБОЕВА СОҲИБА МУХТАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ
ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340902 - "Аудит"

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар _____ и.ф.н., доц. Қўзиёв И.

ТОШКЕНТ- 2011

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Иқтисодий модернизациялаш шароитида молиявий назорат тизимини ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари	10
1.1. Иқтисодий модернизациялаш шароитида молиявий назорат тушунчаси ва унинг иқтисодиётдаги ўрни	10
1.2. Молиявий назорат тизими, унинг объекти, вазифалари ва принциплари	15
1.3. Молиявий назорат тизимида аудитни ташкил этишнинг аҳамияти	27
II боб. Молиявий назорат тизимининг ҳозирги ҳолати	34
2.1. Молиявий назорат турлари, шакллари ва усуллари	34
2.2. Молиявий назорат органларининг ташкил этилиши	39
2.3. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати	56
III боб. Молиявий назорат тизимини такомиллаштириш	67
3.1. Молиявий назорат тизимида нодавлат назоратнинг ўрни	67
3.2. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари	77
Хулоса ва таклифлар	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91
Иловалар	96

Мавзунинг долзарблиги. Назорат ҳар қандай давлат бошқарув тизимининг муҳим бўғини ва жамият иқтисодий ҳамда молиявий ҳаёти объектив воқелигидир. Назорат сиёсий тизимнинг усткурмаси унсурларидан бири бўлиб, бутун бир инсоният тарихий тараққиёти билан уйғун равишда ривожланиб келмоқда, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳамда жамият сиёсий тизимларининг тадрижий ўзгаришига монанд равишда такомиллашиб борди.

Маълумки, бир томондан, давлат билан, иккинчи томондан, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, хусусий шахслар ўртасида шаклланган ўзаро иқтисодий муносабатлар давлатнинг молиявий тизимини ташкил этади. Давлат барча иқтисодий формацияларда ҳам такомиллашган молиявий механизмлар ва самарали молиявий тизимни тузишга интилади, ва бунинг натижасига эса унинг иқтисодий фаровонлиги, шу билан бирга сиёсий барқарорлиги таъминланади.

Ижтимоий молиявий ресурсларни, яъни давлат бюджетини бошқариш жамият олдидаги масъуллик асосида кечади. Унинг натижасида эса давлат, шунингдек ҳар қандай даражадаги бошқарув унсури сифатида молиявий фаолиятни назорат қилишга табиий равишда зарурат туғилади.

Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида маъмурий-буйруқбозлик асосидаги иқтисодиёт ҳукмронлик қилиб, у ўзига мос равишда фақат давлат мулкига таянган ва асосланган молиявий тизим ҳамда молиявий механизмларни яратган эди.

Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ бозор муносабатларига ўтиш, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнлари ўзига мос бўлган молиявий тизим ва механизмлар, шунингдек, молиявий назоратни шакллантиришни тақозо этди. Мустақилликнинг ўтган 20 йилида эришилган муваффақиятлар тўғрисида мамлакат Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдирган эди: “Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси,

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда”¹.

Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва номарказлаштириш шароити кучли молиявий назоратни шакллантиришни тақозо этди. Молиявий назоратни такомиллаштириш доимо давлат раҳбариятининг диққат-эътиборида бўлди: 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши "Назорат Палатаси ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорини қабул қилди, 1992 йил 13 январла "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикаси давлат назорат Қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қонун, 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1994 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида давлат назорат тизимини такомиллаштиришга доир баъзи чоралар”, 1996 йил 8 августда "Назорат қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш ва текширувларни тартибга солиш тўғрисида”даги Фармонлари эълон қилинди.

Шунингдек, 1999 йилда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун, 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 2000 йилда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири) “ ва “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қаби қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, мустақилликнинг ўтган 20 йили ичида мамлакатдаги молиявий назорат тизими доимий равишда такомиллашиб борди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда парламент назоратини муваффақиятли амал қилиш, ҳукумат назорат-тафтиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, мустақил аудит тизимини такомиллаштириш тажрибаси бизнинг мамлакатда ҳам самарали молиявий назорат тизимини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Маълумки, ривожланган мамлакатларда молиявий назорат органларини дифференциялашганлиги амалий ҳаётда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини демократик принциплар асосида бўлинганлигига асосланади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 3-б.*

Албатта, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатларда оқилона моливиый тизим ва молиявий назорат тизими шакллаганлиги билан улар тажрибасини адекват равишда Ўзбекистон воқелигига кўчириб олиш мумкин эмас: чунки, ўртада турли миллий ва иқтисодий ўзига хос хусусиятлар бир-биридан фарқланишини эътиборга олиш лозим.

Жумладан, сўнгги ўн йилликларда анъанавий молиявий назорат усуллари ва процедуралари “самарадорликни назорат қилиш”, “дастурий баҳолаш”, “сансет” принципи каби янгиликлар билан бойиб бормоқда. Масалан, “самарадорликни назорат қилиш” усули ўтган асрнинг 60-йилларида Швецияда пайдо бўлди. Ҳозир бу усул ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги молиявий назоратга доир ижобий тажрибаларни ўрганиш мақсадида 1953 йилда нодавлат тузилма – Олий назорат органлари халқаро ташкилоти - ИНТОСАИ (International organization of supreme audit institutiones —INTOSAI) ташкил этилди. Унинг таркибига 140га яқин давлатларнинг назорат органлари аъзо сифатида киради. Шунингдек, 1961 йилда Осиё минтақавий маркази - АСОСАИ (Asian organization of supreme audit institutiones —ASOSAI) ташкил этилди. Айниқса, молиявий назоратнинг нодавлат шакли – аудит бекиёс даражада ривожланди. Ўзбекистонда аудит мустақиллик даврида деярли асрга тенг бўлган ривожланиш йўқлини босиб ўтди. Аудитнинг Миллий Стандартлари ишлаб чиқилиб, у ҳозир янада такомиллаштириш даврини ўз бошидан кечирмоқда.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда молиявий назорат тизимини, айниқса аудитни бу жараёндаги ўрнини илмий таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Албатта, молиявий назоратни такомиллаштиришга доир муаммолар ечимлари илмий асосларга таяниши лозим. Сўнгги йилларда молиявий назоратни такомиллаштиришга доир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди, асарлар эълон қилинди. Айниқса, МДҲ мамлакатларидаги қуйидаги олимлар - Ван Хорн Дж.К.², „ Воронин Ю.М.³,

² Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами / Пер. сангл. – М., 2000.-382.

Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б.⁴, Мешалкина Р.Е.⁵, Лукьянова З.А., Горская О.В., Рерих Л.М., Третьякова О.В., Степанова Л.Ю.⁶ кабилар молиявий назоратни такомиллаштиришга доир қатор тадқиқотларни эълон қилдилар.

Шунингдек, Ўзбекистонда молия фани соҳасида кўзга кўринган олимлардан - Ваҳобов А.В. Маликов Т.С.,⁷ Срожиддинова З.Х., Сиддиков Ж.Р.⁸, Тулаходжаева М.М.⁹, Файзиев Ш., Авлоқулов А.З.¹⁰, Дўстмуратов Р.Д.¹¹, Яхшибоев Ғ.¹² кабилар мамлакатимизда молиявий назоратга доир назарияларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар асосан молиявий назорат, аудит, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилларга бағишланган илмий ишларни эълон қилдилар.

Тадқиқот мақсадлари қуйидагилардан иборатдир:

1) молиявий назорат тизимининг назарий, методологик ва амалий жиҳатларини асослаш;

2) молиявий назорат тизимини қуйидаги тизим ости компонентлардан иборат бирлик асосида тадқиқ этиш: давлат бюджет-молиявий назорат, молиявий-хўжалик назорати, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил назорати ва ички назорати;

3) бозор иқтисодиётига асосланган молиявий назоратга доир илмий ва амалий тажрибаларни умумлаштириш;

4) Ўзбекистонда мустақиллик даврида шаклланган молиявий назорат тизимини, айниқса аудитни такомиллаштириш ва демократлаштириш жараёнларини тадқиқ этиш;

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

³ Воронин Ю.М. Государственный финансовый контроль: вопросы теории и практики. – М., 2005.-С.292.

⁴ Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б. Финансы: Учебник для вузов. – М.: «Юрайт», 2000. -С.196.

⁵ Мешалкина Р.Е.⁵ Теоретические вопросы государственного финансового контроля // Финансы, 2003. № 12. -С.24--36.

⁶ Лукьянова З.А., Горская О.В., Рерих Л.М., Третьякова О.В., Степанова Л.Ю. Финансы.-Новосибирск: НГУЭУ, 2008. -С.352.

⁷ Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. -С.313.

⁸ Срожиддинова З.Х., Ваҳобов А.В., Сиддиков Ж.Р.⁸ Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001. -С.186.

⁹ Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан.-Ташкент: Издательский дом "Мир экономики и права", 1998. -С.190.

¹⁰ Файзиев Ш.Н., Авлоқулов А.З. "Аудит" фанидан маъруза матни.-Тошкент: ТМИ, 2010.-420 б.

¹¹ Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.-612 б.

¹² Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.214-271-б.

- 1) молиявий назорат тушунчаси ва уни молия тизимидаги ўрнини аниқлаш;
- 2) молиявий назоратнинг мазмуни, объекти, тизими, вазифалари ва принципларини таҳлил этиш;
- 3) аудитни молиявий назорат тизимидаги ўрни, вазифалари ва такомиллашиш жараёнини тадқиқ этиш;
- 4) молиявий назорат органларининг вазифалари ва функцияларини ўрганиш;
- 5) молия тизимида нодавлат назоратнинг ўрни таҳлил этиш;
- 6) аудит ва унинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;
- 7) молиявий назоратни молиявий тизимдаги ва давлат бошқарувидаги ўрнини таҳлил этиш;
- 8) молиявий назорат тизими, уни амалга ошириш, унинг усуллари ва шаклларига доир тушунчаларни умумлаштириш;
- 5) парламент назорати, ижроия ҳокимиятнинг макродаражадаги муассасаларро ва муассасавий молиявий-хўжалик назоратти, шунингдек, макродаражадаги ички хўжалик ва мустақил аудит назоратини такомиллаштиришга доир илмий манбаларни таҳлил этиш;
- 6) Ўзбекистон молиявий назорат тизимини ривожланган мамлакатлар тажрибасига қиёслаган ҳолда бу тизимни такомиллаштиришга доир таклифлар, тавсиялар ва ҳулосаларни шакллантириш.

Тадқиқот предметини Ўзбекистон Республикаси молиявий назорат тизимига доир методологик, ташкилий масалалар, аудит ва бошқа назорат воситаларининг фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистондаги молиявий назорат тизимига доир қонунчилик ва меъёрий актлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Диссертацияни ёзиш жараёнида тадқиқот предметининг назарий асосларини хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари ташкил этди, шунингдек, тадқиқот жараёнида ташкилий-иқтисодий ва ҳисоб-ҳуқуқий қонуниятларига диалектик ёндашувларга амал қилинди.

Шунингдек, ишни бажаришда қиёсийлик, тизимлилик, мақсадли-тизимлилик, гуруҳлаштириш, деталлаштириш, умумлаштириш, аудиторлик rischi математик модели каби усуллардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Диссертациянинг назарий ва методологик асосларини Президент И.А.Каримовнинг асарлари, “Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш” концепциясида илгари сурилган ғоялар ташкил этади. Шунингдек, ишнинг методологик асоси сифатида машҳур иқтисодиёт ва молия соҳасида тадқиқот олиб борган олимларнинг асарларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти куйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

1) молиявий назорат олиб боришнинг энг замонавий усуллари ўрганилиб, уларнинг натижалари Ўзбекистондаги воқелик учун тақлиф этилади;

2) Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган аудитни молиявий назорат тизими институти сифатидаги ривожланиш жараёни асослаб берилган;

3) молиявий назоратни амал қилиш ва ташкил этиш концепцияси учта таркибий қисмлар – бюджет-молиявий назорат, молиявий-хўжалик, шунингдек ички назорат, мустақил ташқи ва ички аудитларнинг ягона тизим ости компонентлари сифатида тақдқиқ этилди;

4) Ўзбекистондаги молиявий назорат тизимини такомиллаштириш “Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш” концепциясида илгари сурилган ғоялар асосида таҳлил этилган;

5) мамлакатимизда аудитни молиявий назорат тизимининг энг асосий бўғини сифатида фаолиятида пайдо бўлаётган баъзи муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари тақлиф этилган;

6) мамлакатдаги молиявий назорат тизимини, айниқса, аудитни янада такомиллаштиришга доир тақлифлар, тавсиялар, фикр ва мулоҳазалар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация таҳлиллари, хулосалари ва унда қайд этилган муаммолар аудитга доир назарий жиҳатларни бойитишга хизмат қилади. Ишда мамлакатдаги молиявий назоратни амалга ошириш принциплари хорижий илмий манбалар асосида янги тушунчалар ва умумлашмалар билан бойитилди.

Ишдаги хулосалар, материаллар, таклиф ва тавсилардан аудит ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабалар ва шу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ишдаги материаллардан аудиторлар ўз назарий савияларини бойитиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Мазкур ишда ҳозирги молиявий инқироз шароитида молиявий назоратни жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштиришга доир мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан асосланиб, уларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг синаб кўрилиши. Диссертациядаги илмий натижаларнинг бир қисми – “Аудит ўтказишда ахборот технологиялари” номли мақола “Шарқ зиёкори” газетасининг 2010 йил 17 июндаги 24-сониди “Аудит ўтказишда ахборот технологиялари” ва шу газетанинг 2011 йил 2 июнь 22-сониди “Аудитда Ахлоқ кодекси” мақоларда баён қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишда 2 та чизма, 4 та жадвал ва 10 та иловалар берилган.

I боб. Иқтисодий модернизациялаш шароитида молиявий назорат тизимини ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари

1.1. Иқтисодий модернизациялаш шароитида молиявий назорат тушунчаси ва унинг иқтисодиётдаги ўрни

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда. Бу тадбирнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

-биринчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чоратадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигини баҳолаш;

-иккинчидан, халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш;

-учинчидан, келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш;

-тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Президентимиз томонидан мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш бўйича қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлади. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Бу ҳақда гапирганда, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қандай салбий таъсир кўрсатгани ва кўрсатаётгани хусусида бугун тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман»¹³.

¹³ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 4-б.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

Хусусан, йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,3 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,8 фоизни ташкил этди (-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот кўшимча ўсиш суръати 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этган. Агар ўтган йили жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида МДХ мамлакатлари бўйича иқтисодий ўсиш эмас, балки аксинча, ўртача 6,7 фоиз ҳажмидаги иқтисодий пасайиш кузатилганини эътиборда тутилса, иқтисодиётимизнинг бундай шароитдаги ўсишининг нақадар аҳамиятли эканини тушуниш мумкин. Айни пайтда, кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ қийматлардаги ўсиши барқарор равишда юксалиб келмоқда (1-чизма).

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда.


1-жадвал

Ўзбекистонда 2010 йилда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш, фоизда)

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011*
ЯИМ ўсиш суръатлари	9,0	8,1	8,5	8,3
Бюджет даромадлари, ЯИМга нисбатан	23,8	22,5	21,3	20,9
Дефицит/профицит, ЯИМга нисбатан	1,5	0,2	0,3	-1,0
Инфляция	7,8	7,4	7,3	7-9
Тармоқлар бўйича ўсиш суръати				
Саноат	12,7	9,1	8,3	9,3
Қишлоқ хўжалиги	4,5	5,7	6,8	5,8
Асосий капиталга сармоялар	28,3	24,8	9,2	12,4

Манба: Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011, 5-233б. ва Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномасининг 2003-2010 йиллар маълумотлари.

* Изох: 2011 йил истиқбол режаси



1-чизма. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ўсиш суръатлари

Манба: Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011, 5-б.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати молиявий-кредит воситалари ёрдамида амалга оширилади. Молиявий тизимни бошқаришнинг муҳим восталаридан бири – бу молиявий назоратдир. Ҳозирги даврга келиб молиявий назоратни ташкил этиш

жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Бу ҳолат товар-пул муносабатларининг принципларини янги характери пайдо бўлиши, янги молиявий бозорлар ва мулк шакллари пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Давлат ва муассасавий назорат билан бир қаторда молиявий назоратни янги ташкилий шакли – аудиторлик шаклланди.

Молиявий назоратнинг зарурлиги, унинг моҳияти ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан аниқланади. Ўзбекистонда молиявий назорат Конституциянинг 14-моддасидаги “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деган қонун ҳаётида амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги даврда Ўзбекистон бозор муносабатларини ривожлантириш, бу билан боғлиқ ҳолда барча давлат институларини такомиллаштириш ислохотлари даврида яшамокда. Шунинг учун ҳам ижроия ва вакиллик органлари тизимида турли назорат органларининг вазифаларини илғор тажриба ва миллий манфаатлар асосида такомиллаштириш энг долзарб сирасига киради.

Молиявий назорат – мамлакатда амалга оширилаётган назоратнинг таркибий қисми, ёки махсус соҳасидир. Молиявий назоратнинг мавжудлиги молияни иқтисодий категория сифатида нафақат тақсимловчи, балки назорат функциясини ҳам амалга ошириш вазифасида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам давлат ўз вазифаларини бажариш учун молиядан фойдаланиш жараёнида унинг ёрдамида назоратни ҳам амалга оширишни ҳам кўзлайди. Молиявий назорат ўрнатилган ҳуқуқий меъёрлар асосида барча давлат органлари ва маҳаллий давлат органлари тизимида, жумладан, фуқаролар, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари иштирокидаги махсус назорат органлари воситасида амалга оширилади.

Молиявий назоратнинг аҳамияти шу билан муҳим аҳамият касб этадики, текширувлар ўтказишда, биринчидан, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва бошқа идоралар молиявий фаолиятини ўрнатилган ҳуқуқий тартиботлар сақлашга мажбурлиги, иккинчидан, улар фаолиятининг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, давлат вазифаларига мувофиқлиги текширилади.

Молиявий назорат – бу мамлакат ва минтақаларнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларида давлат ва маҳаллий бошқарув субъектларининг пул маблағларини шакллантириш ва фойдаланишнинг қонунийлигини назорат қилиш демакдир.

Молиявий назорат таркибига қуйидагилар киради: давлат бюджетини ижросини назорат қилиш; республика субъектлари бюджетларини назорат қилиш; бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетларини назорат қилиш; ички ва ташқи қарзлар ҳолатини, давлат захирасини назорат қилиш ва аудиторлик фаолияти.

Молиявий назорат объекти фақат пул маблағларини текшириш билан қифояланмайди: у яна мамлакатнинг моддий, меҳнат, табиий ва бошқа ресурсларидан фойдаланишни ҳам назорат қилади. Чунки, ҳозирги давр шароитида ишлаб чиқариш жараёни ва тақсимот билвосита тарзда пул муносабатларини ҳам ифодалайди.

Молиявий назоратнинг аниқ шакллари ва усуллари бир томондан давлатнинг, иккинчи томондан унинг корхоналарини, шунингдек барча иқтисодий субъектларни манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга имкониятлар беради; молиявий издан чиқишлар ва бузилишлар турли санкциялар ва жарималар билан жазоланади.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молиявий назоратини амалга оширишга қратилган бўлиб, у молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар яратиб беради. Бу авваламбор, барча даражадаги бюджетлар, бюджетдан ташқари жамғармаларни тасдиқлаш ва ижроси, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни амалга оширишда ифодаланади. Давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг нодавлат соҳасини назорат қилиш фақат пул мажбуриятларини бажаришга тегишли бўлиб, у солиқлар, бошқа тўловлар, ажратилган ёки бюджет субсидиялари ҳамда кредитларини харажатларини мақсадга мувофиқлиги ёки қонунийлигини таъминлаш, шу билан бирга, ҳукумат томонидан ўрнатилган пул ҳисоб-китобларини, ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этиш қоидаларига амал қилиш

кабилардан иборатдир. Корхоналар фаолиятини молиявий назорат қилиш ўз ичига яна кредит ташкилотлари, акционерлар ва ички назорат кабиларни олади.

Молиявий назорат барча молиявий-ҳуқуқий институтлар учун тааллуқлидир. Шунинг учун ташкилотни мувофиқлаштирувчи ва умуман молиявий назоратни амалга ошириш тартиботни амал қилиши учун молиявий-ҳуқуқий меъёрлардан ташқари уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олувчи меъёрлар ва алоҳида молиявий ҳуқуқий институтлар ҳам мавжуддир.

Молиявий ҳуқуқ воситасида мувофиқлаштишга боғлиқ молиявий назоратнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборатдир:

а) давлат, маҳаллий бошқарув, ташкилотлар ва фуқаролар олдидаги молиявий мажбуриятларни бажаришни текшириш;

б) давлат, маҳаллий бошқарув органлари томонидан уларнинг тасарруфидаги хўжалик юритишни ёки пул ресурсларини (банк ссудалари, бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлар) бошқарувини тўғригини текшириш;

в) ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар пул маблағларини молиявий операцияларини, ҳисоб-китобларини ва сақланиш қоидаларини бажаришларини текшириш;

г) ишлаб чиқаришнинг ички резервларини аниқлаштириш;

д) бузилган молиявий инстизом тўғрисида огоҳлантириш, уни тузатиш.

Агар қонун ва низомлар бузилиши аниқланса, ўрнатилган тартиблар асосида ташкилот, мансабдор шахс ва фуқароларга таъсир этиш кучига эга бўлган чоралар кўрилади, давлатга, ташкилотга ва фуқароларга етказилган моддий зиёнлар қопланади

1.2. Молиявий назорат тизими, унинг объекти, вазифалари ва принциплари

Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир. Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда қаралади:

барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус ташкил этилган назорат органларининг катъий тартибга солинган фаолияти;

молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро ва микродаражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас элементи. Молиявий назоратнинг ҳар икки йўналиши бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, назоратнинг мақсади, методи ва субъектларига мувофиқ равишда фарқланади ҳам. Агар биринчи ҳолда назоратнинг ҳуқуқий ва иқдорий томонлари устунлик қилса, иккинчи ҳолда молиявий назоратнинг аналитик томонига жуда катта эътибор берилади. Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назоратга молиявий назорат дейилади. Бу назорат, энг аввало, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида молиявий-иқтисодий қонунчиликка риоя этилиши, молиявий-хўжалик операцияларининг самарадорлигини баҳолаш ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ўз ичига олади. Бошқача сўзлар билан айтганда, молиявий назорат у ёки бумолиявий ҳаракат содир бўлишининг баҳолашни ўз ичига олиш билан чекланмасдан, балки у ўзининг аналитик йўналишига эга. Молиявий назорат қиймат шаклида амалга ошириладиган назорат бўлганлиги учун ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида амалга оширилади ва пул фондлари ҳаракатининг барча жараёнларида, шу жумладан, молиявий натижаларни¹⁴ идрок этиш жараёнида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам, молиявий назоратнинг объекти пул муносабатлари ҳисобланади.

Молиявий назоратнинг предмети қуйидаги молиявий кўрсаткичлардан иборат:

-турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари;

¹⁴ Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. - Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 215-б.

- солиқ тўловларининг ҳажмлари (миқдорлари, ўлчамлари);
- хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари;
- таннарх ва фойда;
- уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратнинг предмети ҳисобланган юқоридаги кўрсаткичларнинг кўплари ҳисобли кўрсаткичлар ҳисобланади ва бу нарса, ўз навбатида, уларнинг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда ҳисобланишининг тўғрилиги ва ишончлилигини назорат қилишни тақозо этади. Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли бўлиб хизмат қилади. У ҳам давлатнинг, ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: давлат молиявий назорати; контрагентлар билан молиявий - ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат; нодавлат молиявий назорати. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва иккинчи томондан, мустақил бўлган икки соҳага бўлинади¹⁵:

- давлат молиявий назорати;
- нодавлат молиявий назорати.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакатнинг Конституцияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Унинг ҳуқуқий регламенти давлатнинг типига, унинг социал-сиёсий йўналтирилганлигига, иқтисодий тараққиёт даражасига, мулкчилик шакллариининг нисбатига боғлиқ.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат пропорцияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий ресурсларини

¹⁵ Қаранг: Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д. Мацкуляка.– М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23

шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига тегишли ҳисобланади. Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни англатади. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан аниқланган бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида, ҳамхусусий ҳамда корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бироқ иқтисодиётнинг нодавлат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари, кредитларини сарфлашда мақсадга мувофиқлик ва қонунийликнинг риоя қилиниши, шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Нодавлат молиявий назорати иккига бўлинади: ички (фирма ичидаги, корпоратив) ва ташқи (аудиторлик). Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамасдан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурслар туширишни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат. Бир вақтнинг ўзида молиявий

назоратнинг ҳар икки соҳаси амалдаги қонунларнинг ҳукукий доирасида чеклаб қўйилган¹⁶.

Пул муносабатлари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги қайта тақсимлаш жараёнлари, шу жумладан, барча даражалардаги ва ҳўжаликнинг барча бўғинларидаги пул фондлари шаклидаги молиявий ресурслар молиявий назоратнинг объекти ҳисобланади. Текширувларнинг бевосита предмети сифатида фойда, даромадлар, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари каби қиймат кўрсаткичлари майдонга чиқади. Пулдан фойдаланиш орқали ва айрим ҳолларда пулсиз (масалан, бартер битимлари) амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий назоратнинг соҳаси ҳисобланади.

Молиявий назорат ўз ичига қуйидаги текширувларни олади:

-иқтисодий қонунларнинг талабларига риоя этиш (МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш пропорцияларининг оптималлиги);

-бюджет режасини тузиш ва ижро этиш (бюджет назорати);

-корхона ва ташкилотлар, бюджет муассасаларига тегишли бўлган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;

-ўзаро солиқ муносабатлари.

Тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат тизими, асосан, бир типда бўлиб, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

-бевосита мамлакатнинг парламенти ёки президентиға бўйсунувчи ҳисоб палатаси. Бу ташкилотнинг бош мақсади давлат маблағларининг сарфланиши устидан умумий назоратни ўрнатишдир;

-асосан солиқли даромадларнинг давлат хазинасига келиб тушишини назорат қилувчи ва мамлакат президенти, ҳукумати ёки Молия вазирлигига бўйсунувчи солиқ муассасаси;

-қуйи ташкилотларини текширувчи ва тафтиш қилувчи давлат ташкилотларининг таркибидаги назорат қилувчи органлар;

¹⁶ Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“ИQTISOD-MOLIYA”, 2008.217-б.

-ҳисобот ҳужжатларининг ишончлилигини ва молиявий операцияларнинг қонунийлигини тижорат асосида текширувчи нодавлат назорат хизматлари;

-асосий вазифаси харажатларни қисқартириш, молиявий оқимларни оптималлаштириш ва фойдани ошириш бўлган ички наорат хизматлари.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий назорат тизими баъзи бир махсус органларни ҳам қамраб олади. Ана шундай органлар қаторига Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бозор ҳўжалиги асосларининг мустаҳкамланиб бориши билан молиявий назоратни ташкил этиш масалалари янада ҳуқуқийроқ хусусиятга эга бўлиб, секин-асталик билан ғарб моделига яқинлашади. Бу модел амалиётда ўзининг самарадорлигини яққол кўрсатган. Масалан, 17 АҚШ Конгрессининг маълумотларига кўра, охириги 50 йил ичида федерал назорат тафтиш органларининг фаолиятидан олинган жами иқтисодий самара 500 млрд. доллардан кам бўлмаган¹⁷. Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

-пул фондларининг ўлчами ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мутаносибликка таъсир кўрсатиш;

-давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

-молиявий ресурсларни кўпайтиришнинг ички ҳўжалик резервларини қидириб топиш;

-ва бошқалар.

Жаҳон ҳамжамияти кўп йиллик тажриба асосида молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиққанки, ҳозирги пайтда уларга риоя қилишга дунёнинг ҳар бир цивилизациялашган давлати интилади. Бу принциплар ИНТОСАИнинг Лима декларациясида ўз аксини топган. (ИНТОСАИ – дунёнинг 178 мамлакати олий назорат органларининг Халқаро ташкилоти. Унинг доирасида минтақавий ташкилотлар ҳам амал қилади. Улардан бири ЕВРОСАИ

¹⁷ Қаранг: Соменков А.Д. Парламентский контроль за исполнением государственного бюджета. – М.: Экономика, 1998. с. 79.

бўлиб, у олий назорат органларининг Европа ташкилотидир). Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- мустақиллик;
- объективлик;
- компетентлик (лаёқатлилиқ, қодирлик);
- ошкоралиқ.

Молиявий назоратнинг мустақиллиги назорат органининг молиявий жиҳатдан мустақиллиги, назорат органлари раҳбарларининг ваколат муддатларининг парламент муддатларидан узоқлиги, шунингдек, уларнинг конституцион хусусияти билан таъминланиши керак. Объективлик ва компетентлик (лаёқатлилиқ, қодирлик) назоратчилар томонидан амалдаги қонунчиликка сўзсиз итоат этилишини, тафтиш ишларини амалга оширишнинг белгиланган (ўрнатилган) стандартларига (андозаларига) қаттиқ риоя этиш асосида назоратчилар ишининг юқори касбий даражада бўлишини тақозо этади. Ошкоралиқ давлат назоратчиларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқада бўлишини кўзда тутди. Ана шу асосий принциплардан амалий аҳамият касб этувчи молиявий назоратнинг қуйидаги бошқа принциплари келиб чиқиши мумкин:

- натижалилик;
- назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва мантиқийлиги;
- назорат субъектларининг сотиб олувчанмаслиги;
- текшириш ва тафтиш актларида келтирилган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги;
- превентивлик (молиявий бузилмалар эҳтимолининг оғоҳлантирилувчанлиги);
- молиявий жиноятлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбсизлик (судгача) презумпцияси;
- турли назорат органлари фаолиятларининг мувофиқлаштирувчанлиги;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни ташкил қилиш тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи қонунлар қабул қила туриб, ҳар бир давлат, одатда, юқоридаги принципларга асосланади. Бир вақтнинг ўзида, ҳар бир давлатда назорат ҳаракатларининг ўз регламенти мавжуд бўлиб, бу нарса пировардда молиявий назоратнинг натижаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Давлат молиявий назоратининг принциплари. Ўзбекистонда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш вазифалари давлат сиёсатини натижаларини фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам давлат молиявий назорати тизими демократик кадриятлар асосида такомиллаштириши, ўзида ҳуқуқий давлатга хос бўлган сифатларни шакллантириши талаб этилади. Шунинг учун ҳам молиявий назорат таянч қоидалар ва тамал тоши бўла оладиган принциплар асосида амалга оширилиши давр талабидир. Бу принциплар ичида энг биринчиси – бу қонунийлик принциpidир.

Қонунийлик принципи. Бу принцип бошқа барча принципларни амалга оширишнинг зарурий шарт-шароити ҳисобланади. У ўзининг бошланғич манбалари – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида амалга оширилади. Молиявий назорат фаолияти қонунлар ва бошқа иеъёрий актлар доирасида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, қонунийлик принципи қуйидагиларни назарда тутади:

-давлат молиявий назоратининг меъёрий-қонунчилик базаси сифати жамият тараққиёти, давлатнинг молиявий базасини мустаҳкамлар ва кучайтириш мақсадларига мос ва мувофиқ келиши лозим;

-давлат молиявий назорат органлари (уларнинг вакиллари)нинг ўзларини назорат ваколатларини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий меъёрларга қтгий тарзда амал қилиши шарт;¹⁸

Умуман олганда, давлат молиявий назоратнинг қонунийлиги – тизимли тушунча бўлиб, у ҳам текширувчи назоратчилар, ҳам бу соҳада қарорлар қабул қилувчи давлат органлари, ҳам текширилувчилар учун бир хил талаблар қўйиши назарда тутилади. Масалан, бу соҳада амал қилишнинг барча масалалари, бу масалаларнинг назорат органлари билан ўзаро муносабатлари меъёрий-ҳуқуқий актлар томонидан белгиланади.

Мустақиллик принципи. Давлат назорат органлари ва уларнинг вакиллари фаолиятлари текширилаётган юридик ва жисмоний шахслардан ташкилий, функционал, моддий ва бошқа характердаги боғлиқликлардан мустақил бўлиши лозим. Масалан, давлат молия назорати органлари давлат тузумидаги ҳолати улар текшираётган объект йўналишидаги тузилмалардан мустақил бўлмаса текширувлар яқуни ҳеч қачон объектив бўлмайди.

Давлат молия назорати органларининг мустақиллик принципи муҳим давлат аҳамиятига эга бўлиб, бу принципга амал қилиш назорат органларини ўз фаолиятларини муваффақиятли тарзда тугатишларига имкониятлар яратади. Молиявий назорат органларини мустақиллиги унинг мақоми билан, жумладан давлат органлари тизимидаги функциялари ва бўйсунлиги билан ифодаланади (баъзи назорат органлари ижроия ҳокимият ва бошқарув бўғинлари сифатида фаолият юритади). Шу билан бир вақтда, давлат назорат органлари тузилмаси уларнинг бир-бирларига тўғридан-тўғри ёки билвосита бўйсунлигини кўзда тутди.

Давлат молиявий назорат органларининг мустақиллиги қонунчиликда фаолиятлари мувофиқлаштирилиши расмийлаштирилиши лозим. Шунингдек, уларнинг мустақиллиги бу органларнинг аниқ ва равшанлиги ҳамда айнан бир хиллиги билан характерланади. Бу ҳолат давлат назоратчиларига мустақил ташаббус асосида ишлашига ва объектив хулосалар олишига имкониятлар яратади.

Нazorat соҳасига доир мутахассисларнинг фикрича молиявий органларнинг мустақиллигининг моҳияти уларнинг мустақил равишда қуйидагиларни белгилашларида ифодаланади: а) ўзининг назорат фаолияти предмети, б) назорат усуллари, в) ҳисоботларнинг мазмуни ва шакллари. Шунингдек, назорат

органларининг мустақиллиги уларнинг назорат чора-тадбирларини ҳажмини, муддатларини ва текшириш усулларини ўзлари мустақил равишда белгилашлари билан ҳам мустаҳкамланади. Бу жараёнда бошқа органлар томонидан текширув объектига турли сўрономалар билан мурожаат қилишлар мумкин эмас. Назорат органларига ҳам бу каби сўрономаларга жавоблар беришни рад қилиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиши лозим¹⁹.

3.Ошкоралик принципи (шаффофлиги ёки очиқлиги). Ошкоралик принципини муҳимлигини уни нафақат молия тизимида, балки кенг жамоатчиликка ва бутун бир давлат бошқарувига молиявий аҳвол ҳақида ахборотлар бериши билан ифодаланади. Давлат молиявий назоратининг ошкоралиги – замонавий демократик жамиятнинг зарурий белгиларидан биридир. Ошкаралик принципи давлат молиявий назорати органининг фаолиятини очиқлигини, бу фаолият натижасидан ҳар бир фуқаронинг хабардор бўлишини кўзда тутади. Шунинг учун ҳам матбуотда (давлат, тижорат ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган сирлардан ташқари) нафақат текширувлар натижаларига доир ҳисоботларни эълон қилинади, балки назоратчиларнинг хулосаларига ижроия ҳокимияти ва суд қарорларининг жавоблари ҳам ошкор этилиши тақозо этилади. Шунингдек, текширишда аниқланган қонунларни бузишларни тuzатиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳам эълон қилиниши лозим. Эълон қилинган материаллар оммавий ахборт воситаларида жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниши талаб этилади.

4.Объективлик принципи. Молиявий назоратчиларнинг хулосалари, шунингдек уларнинг текширувларни режалаштириш ва ўтказишга нисбатан ёндашувлари таҳминларга асосланган субъектив баҳоларга ёки қандайдир шахсий қизиқишларга, турли мотивларга (ғараз, сиёсий буюртма кабиларга) асосланмаслиги лозим. Назорат тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш текширув объекти тўғрисида тарқалган ноҳуш хабарлар ёки олдиндан шаклланган салбий фикрларни эътиборга олмаслиги лозим. Текширув натижаларига доир хулосалар бетарафликка берилмаган ҳолда (айниқса, материалларни тақдим этишда)

¹⁹ Бурцев В.В. Основные принципы организации государственного финансового контроля в современных условиях// Финансовой менеджмент, №2 / 2001.-С.32-34.

шакллантирилиши, улар аниқ ва тегишли маълумотлар, сифатли ахборотлар асосида бўлиши лозим. Ахборотлар сифати ҳақида қуйидаги мезонлар бўйича қарор қабул қилиш талаб этилади: заруриятлилик, далилларнинг етарлилиги, ҳақиқийлик, ўз вақтида эътибор беришлик, таҳлилийлик, ташкилийлик.

5.Масъуллик принципи. Бу принцип энг камида уч жиҳат асосида кўрилиши талаб этилади: а) назоратчиларнинг масъуллиги, б) текширилувчиларнинг масъуллиги, в) учинчи шахснинг масъуллиги (ижро ваколатларига эга бўлган, давлат органлар каби қарор қабул қилиш ваколатига эга субъектлар). Ана шу уч жиҳатни изчиллик асосида кўриб чиқамиз.

5.1.Текширувчиларнинг масъуллиги. Давлат молиявий назорат субъекти (орган ёки унинг ходими) ўзига топширилмаган назорат функцияларини бажарганлиги учун (иқтисодий, маъмурий ва интизомий) масъуллик бурчига эга бўлиши талаб этилади. Масъуллик ҳар бир назорат функциясини амалга оширганлик учун ҳам расмий равишда ўрнатилган бўлиши лозим. Акс ҳолда субъект талаблар даражасидаги назоратни амалга ошира олмайди. Шунингдек, назорат объекти учун масъуллик чуқур асосланган, амалда бажариш мумкин бўлган ва фойдали тавсиялар асосида ҳулосаларни бериш учун имкониятлар яратади. Умуман олганда, назорат органлари текширувчиларининг масъуллиги шундаки, уларнинг иш натижалари давлат иқтисодий хавфсизлиги ва бутун бир жамият фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

5.2.Текширилувчиларнинг масъуллиги. Текширувлар натижасига биноан айибдор деб топилган шахслар давлат молиявий бошқарувини суиистеъмол қилганлиги, қилган айибининг даражасига мувофиқ равишда ўз масъуллиги учун жавобгар бўлиши лозим.

5.3.Учинчи шахс масъуллиги. Учинчи шахс, жумладан қарор қабул қилиш ва уни ижросини таъминлаш ваколатига эга давлат органи давлат молиявий назорат органининг тақдимига биноан ўзининг бурч ва вазифаларини тўғри бажармаганлиги (шунингдек, қўшиб ёзганлиги, молиявий назорат органи ҳулосаларига амал қилмаганлиги, керакли ахборотларни беришдан бош

тортганлиги) учун жавобгар бўлиши лозим, ва бу жавобгарликка нисбатан санкциялар меъёрий актларда мужассамлашган бўлиши лозим.

6.Мувозанатлашиш принципи. Бу принцип олдингиси билан узвий равишда боғлиқдир. Мувозанатлашишнинг маъноси шундаки, субъектга ҳеч қачон бажариш турли воситалар билан таъминланмаган назорат функцияларини бажаришни топширмаслиги лозим. Назоратчининг вазифаларини аниқлаштиришда унинг учун фақат ўз вазифасини бажариши учун тегишли бўлган ваколатлар ва имкониятлар бериш лозим. Ҳеч қандай ортиқча ҳуқуқлар берилмаслиги қатъий қилиб қўйилиши талаб этилади.

7.Тизимлилик принципи. Давлат назорат органлари системали тарзда фаолият юритишга зарурият сезиши табиий бир ҳолдир. Лекин, тизим ҳосил қилувчи унсурлар жуда ҳам кўплиги учун текширув органини иерархияли тарзда фаолият юритишини ифодаламайди. Назорат органини мустақиллигини нисбийлиги унинг ҳокимиятлар шаҳобчарида бир-бирига бўйсунмасдан фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам юқорида кўрсатилган барча принципларнинг ўзаро алоқадорликда амал қилиши назоратнинг самарали ва адолатли тарзда амалга ошиши учун имкониятлар яратади²⁰.

Шунингдек, давлат назорат органлариг қуйидаги талаблар қўйилганлигини ҳам қайд этиш зарур:

- 1.Ахборот билан таъминланиш талаби;
2. Назорат қилувчи ва текширилувчи тизимларининг ўзаро мутаносилигига бўлган талаб;
3. Доимийлик ва мажмаувийликка бўлган талаб;
4. Ҳар бир давлат молиявий назорати субъектининг назорат остида бўлишлигига доир талаб;

²⁰ Қаранг: Карандина Е.А. Ведомственный финансовый контроль и его развитие в Российской Федерации современность. - Саратов, 2006. - С. 283-285.

5. Давлат назоратчиларининг (аудиторлар, инспекторлар, ревизорлар ва бошқаларнинг) компетентлиги, виждонан ишлаши, адолатли бўлишига нисбатан талаблар;

6. Маъқулликка (яроқлилиқка) нисбатан талаб;

7. Ривожланишнинг узлуксизлиги ва такомиллашишга нисбатан талаб;

8. Устуворликка нисбатан талаб.

9. Назоратни амалга оширишда кераксиз босқичлар ва процедураларга йўл қўймаслик талаби;

10.Оптималь даражадаги марказлашувга бўлган талаб (ёки давлат назорат органлари ташкилий тузилмаларига айланилашиш) талаби;

11. Масъуллиқни умумий эмас, балки айримлиқига бўлган талаб (ёки давлат назорат органлари функцияларини аниқ чегараларини белгилаб қўйилиши);

12. Регламентлашга бўлган талаб;

13. Ўзаро ҳамкорлиқда ва мувофиқлашишда ҳаракат қилишга бўлган талаб;

14. Меъёрлардан четга чиқишлар ҳақида ўз вақтида хабар беришга нисбатан талаб;

15. Назорат режаларини яширин сир сақланишига бўлган талаб;

16. Бюджет жараёнлари доирасидаги турли назорат субъектларининг компетенцияларини келиштириш, улар манфаатларини уйғунлаштиришни таъминлаш асосида охириги мақсадга эришишга бўлган талаб;

17. Иқтисодий самарадорликка бўлган талаб;

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат молиявий назоратни самарадорлиги молиявий назорат принципларига тўлиқ амал қилиш натижасидагина таъминланиши мумкин. Давлат молиявий назорат органлари тизими самарадорлиқига эришиш учун унинг функциялари ишончли тарзда аниқланган, уларнинг ваколатлари чегаралари бир-бириларидан ажратилган, улар фаолиятини мувофиқлаштириш тизими яратилган, ўзаро ҳаракат қилиш қоидалари ўрнатилган, масъуллиқлари асосланган ва уларга амал қилинган ҳолда ишлаши талаб этилади. Албатта, бу принциплар ва талаблар бозор муносабатларини ривожланиб ва чуқурлашиб бориши жараёнида янада муҳимроқ аҳамият касб этиб боради.

1.3.Молиявий назорат тизимида аудитни ташкил этишнинг аҳамияти

Бозорнинг иқтисодиётини модернизациялашнинг чуқурлашиб бориши молиявий назорат тизимида аудитнинг ўрни янада кучайиб боради. Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари ва фирмалари кўрсатадиган хизматлар турлари ва ҳажмлари ҳам ортиб боради. Аудиторлик фирмалари бухгалтерия ҳисобига оид маслаҳатлар ва хизматлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолиятларини иқтисодий таҳлил қилиш, солиққа тортишнинг қонунийлигини текшириш, бошқарув фаолияти ва ахборотларни олиш технологиясини такомиллаштириш, истеъмол бозорларини маркетинг қилиш, бозор шароитида моддий ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш, бизнес режалар тузиш ва истиқболни белгилаш, банк ва суғурта ишлари бўйича маслаҳатлар бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Халқаро амалиётда корхоналар фаолиятини молиявий назорат қилишнинг қуйидаги тизимлари мавжуд:

1.Давлат молиявий назорати. Унинг олий органи счётлар палатаси ёки давлат бош аудиторлик аппарати бўлиб, у бевосита парламент ёки Президентга бўйсунди. Унинг асосий вазифаси давлат бджетининг харажатлар қисмини назорат қилишдан иборатдир (Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назорати счётлар палатаси шаклида ташкил қилинган бўлиб, у парламентга (Олий мажлисга) бўйсунди).

2.Солиқ назоратии. Ҳукуматга ёки молия вазирига бўйсунди, давлат бюджети даромадлар қисмининг тўлдирилишини назорат қилади (Солиқ назоратии Ўзбекистон Республикасида давлат Солиқ қўмитаси томонидан ташкил қилинади ва Ўзбекистон Республикасида ҳукуматга (Вазирлар Маҳкамасига) бўйсунди).

3.Вазирликлардаги назорат тафтиш бўлинмалари. Бюджет томонидан маблағ билан таъминланиб, тегишли вазирликка бўйсунди. Асосий вазифаси бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини назорат қилади.

4.Мустақил аудиторлик назорати баланс маълумотларининг тўғрилигини, амалга оширилган муомалаларнинг қонунийлигини шартнома асосида назорат қилади. Нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларга ҳам шартнома асосида ҳисоб, солиқ ва молия масалалари бўйича маслаҳат беради.

Аудиторлик назорати ташқи молиявий назоратнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади ва профессионал аудиторлар томонидан амалга оширилади. Турли мамлакатларда аудитни ташкил қилишда бир-бирига ўхшашликлар мавжуд:

- корхоналар молиявий ҳисоботларини мажбурий аудитдан ўтказиш;
- аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун маълум малакага эга бўлиши билан боғлиқ талабларнинг ўхшашлиги;
- аудиторликка фақат шу мамлакат фуқароларини тайинлаш тамойили.

Бундай ўхшашликлар халқаро аудиторлик ташкилотларининг шаклланишига олиб келди. Хусусан, дипломли жамоатчи бухгалтерлар халқаро ассоциацияси 100 дан зиёд мамлакатда фаолият кўрсатадиган 5 мингдан ошиқ аудиторлик фирмаларини бирлаштиради. Хорижий мамлакатларнинг назорат амалиётидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш мақсадида 1953 йили БМТ қошида ташкил қилинган нодавлат ташкилот – Олий Назорат Органларининг Халқаро Ташкилоти тузилди. Шунингдек, бухгалтер ва аудиторларнинг профессионал ташкилотлари жаҳоннинг кўп мамлакатларида тузилган. Жумладан, Англияда мустақил бухгалтерлар институти ташкил қилинган бўлса, АҚШда дипломли ва дипломсиз жамоатчи бухгалтерларнинг бухгалтер-аудиторлар жамияти, Германияда Аудиторлар палатаси ва Аудиторлар институти, Ўзбекистонда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (ЎАП) фаолият кўрсатмоқда. Барча

аудиторлик фирмалари, ўз фаолиятларида «Халқаро аудит нормалари ва қўшимча ишлар Низоми»дан фойдаланадилар. Халқаро аудит нормалари нормативи 29 ишдан иборат бўлиб, унга яна 4 та қўшимча ишлар нормативлари ҳам киритилган.

Шунингдек аудит маслаҳат (консалтинг) беришни, яъни шартнома асосида бошқа хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олади. Аудиторлик ишларини махсус ваколатга эга бўлган, давлатнинг касб реестрига киритилган ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган мутахассислар шуғулланади. Уларни аудиторлар деб аташади.

Молиявий назорат тизимининг асосий бўғини бўлган аудиторлик фаолияти – хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини, молиявий ҳисоботларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини текширишга қаратилган мустақил фаолиятдир.

Бундан ташқари аудиторлар қуйидаги фаолият турларини ҳам амалга оширадилар:

- молиявий ҳисоботларни тузиш;
- даромадлар тўғрисидаги декларацияларни тузиш;
- хўжалик субъектларнинг активлари ва пасивларини баҳолаш;
- молия, солиқ, банк ва бошқа қонунчиликлар бўйича маслаҳатлар бериш;
- кадрларни қайта ўқитиш.

Аудиторлик фаолияти билан махсус малака дипломига ва хизмат кўрсатишга рухсат берилган яъни лицензияга эга бўлган аудиторлар шуғулланади.

Аудитор тушунчаси узоқ даврлардан бери мавжуд бўлиб турлича ёритилган. Масалан, Англияда аудитор деганда хўжалик субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текширувчи ва улар тўғрисида ўзининг мустақил фикрини билдирувчи мутахассислар тушунилган. Америка бухгалтерлар ассоциациясининг фикрича аудитор иқтисодий воқеа ва ҳодисалар

тўғрисидаги объектив маълумотларни тўплаш ва баҳолаш жараёнида фойда кўрсатадиган шахсдир.

Аудиторлар фаолиятига боғлиқ бўлган бир қанча қоидалар мавжуд:

- хўжалик субъекти томонидан аудиторларни эркин танлаш;
- кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан туриб аудиторлик хулосасини мижозга бермаслик;
- мижоз билан қариндошлик ва бошқа муносабатлари бўлганда аудиторлик текширувини амалга ошириш мумкин эмаслиги;
- аудиторларга ва аудиторлик фирмаларига қонун томонидан рухсат берилган аудит ва маслаҳат хизматларидан ташқари хўжалик, тижорат ва молиявий фаолият билан шуғулланишни тақиқланганлиги.

Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади – корхона фаолиятини меъёрий тартибга солиш асосида, мижоз ва аудитор ўртасидаги шартномавий мажбуриятларни бажаришдир. Бу мақсадга эришиш учун аудитор хўжалик субъектларни молиявий ҳисоботларини ҳақиқийлигини ва улар томонидан амалга оширилган молиявий - хўжалик операцияларини меъёрий ҳужжатларга тўғри келишини текширади.

Аудитор биринчи навбатда молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини текширади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- ҳисоботларда йўл қўйилган ноаниқликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича маслаҳат беришга;
- корхона даромадларини ва молиявий натижаларини текширилаётган даврда содир бўлган қарзларни бухгалтерия ҳисобида тўлиқ, аниқ ва ҳақиқий кўрсатилганлигини текширишга;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва ҳисоботларни тузишда амалдаги меъёрий ҳужжатларга, давлат қонунчилигига қай даражада амал қилинганлигини ҳамда активлар, мажбуриятлар ва корхона капиталини баҳолашда уларни тартибга солувчи қоидаларга, усулларга риоя этилганлигини аниқлашга;

-корхоналар фаолиятида иштирок этаётган узок муддатли ва жорий моддий активларидан, пул маблағларидан, пасивларидан ва мажбуриятларидан қанчалик самарали фойдаланилаётганликини аниқлашга.

Баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда уларга илова қилинган тушунтириш хатларидаги маълумотларни тўғрилигини аниқлаш аудиторнинг асосий вазифасидир. Аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни текширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозим:

-ҳисоботда ҳамма активлар ва пасивларни кўрсатилганлигига;

-ҳисоботларни тузишда барча ҳужжатлардан тўлиқ фойдаланилганлигига;

-корхона мулкани баҳолашда унинг ҳисоб сиёсатида белгиланган усулдан қанчалик фарқ қилинганлигига.

Аудитор баланс ва солиққа тортилган фойда миқдорини тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни текширади. Бунда аудитор асосий мақсадга эришиши ва хулоса бериши учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак:

-ҳисоботнинг меъёрий ҳужжатларга мос келишига;

-ҳисоботнинг асосланганлик даражасига – келтирилган маълумотларни ҳисоботга киритиш учун асос борлигига;

-ҳисоботнинг яқунланганлик даражасига – барча активлар ва пасивлар корхонага тегишлилигига;

-баҳолаш - барча маблағлар тўғри баҳоланганлиги ва хатосиз ҳисобга олинганлигига.

-туркумлаш – маълумотларни тегишли бухгалтерия счётларида кўрсатиш учун асос борлигига;

-ажратиш – ҳўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган даврда кўрсатилганлигига;

-саранжомлик — аналитик ҳисоб регистрларида келтирилган маълумотларни аниқлигига, уларни тўғри жамланганлиги ва бош китобдаги маълумотларга мос келишлигига;

-очиш—молиявий ҳисоботда ҳамма категориялар киритилганлиги ва тўғри кўрсатилганлигига.

Кўриниб турибдики, молиявий назорат тизимида аудит энг асоси вазифаларни бажаради. Давлат мулкани хусусийлаштиришни чуқурлашиб бориши, давлат назорат органлари ваколатларини нодавлат ташкилотларга бериш жараёнларининг кучайиши билан аудитнинг молия тизимидаги ўрни янада юксалади. Шунинг учун ҳам давлат аудитни ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқда.

II боб. Молиявий назоратнинг ҳозирги ҳолати

2.1. Молиявий назорат турлари, шакллари ва усуллари

Молиявий назоратнинг муваффақиятли ва самарали ўтказилиши унинг ташкил этилиш даражасига ва назоратнинг турлари, шакллари ва уни ўтказишнинг методларига боғлиқ. Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумдавлат молиявий назорати;
- идоравий молиявий назорат;
- хўжалик ичидаги молиявий назорат;
- жамоатчилик молиявий назорати;
- мустақил молиявий назорат²¹.

Умумдавлат молиявий назорати давлат ҳокимият органлари (президент, ҳукумат, Олий мажлис, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Бу турдаги молиявий назоратнинг бош мақсади даромадларнинг тушиб туриши ва давлат харажатларининг сарфланиши бўйича давлат ва жамиятнинг манфаатларини таъминлашдан иборат.

Идоравий молиявий назорат вазирликларнинг назорат-тафтиш бошқармалари ва бошқа таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилиб, шу идорага бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятини қамраб олади. Хўжалик ичидаги молиявий назорат корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий хизматлари томонидан ўтказилади. Бу ерда молиявий назоратнинг объекти сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти майдонга чиқади.

Жамоатчилик молиявий назорати нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Назоратнинг объекти унинг олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда аниқланади. Мустақил молиявий назорат махсус органлар: аудиторлик

²¹ Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 221-б.

фирмалари ва бошқа хизматлар томонидан ўтказилади. Молиявий назоратнинг шакллари куйидаги мезонлар бўйича классификация қилиш қабул қилинган:

- амалга оширилиш регламенти;
- ўтказилиш вақти;
- назоратнинг субъектлари;
- назоратнинг объектлари.

Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мажбурий (ташқи);
- ташаббускорли (ички).

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий фаолияти устидан мажбурий (ташқи) назорат қонун асосида амалга оширилади. Булар, асосан ташқи, мустақил назоратчилар томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига, бюджет ресурсларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратга, корхона ва ташкилотларнинг молия-бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларини мажбурий аудиторлик тасдиқланишига ва ҳ.к.ларга тегишли бўлиши мумкин.

Ташаббускорли (ички) молиявий назорат молиявий қонунчиликдан келиб чиқмаса-да, тактик ва стратегик мақсадларга эришишда молиявий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари куйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки;
- жорий (оператив);
- навбатдаги (келгуси, сўнгги).

Дастлабки молиявий назорат молиявий операцияларнинг содир бўлишидан олдин амалга оширилади ва молиявий ҳатоликларнинг олдини олиш ёки уларни огоҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларнинг тежамсиз ва самарасиз сарфланишининг олдини олиш учун харажатларнинг молиявий жиҳатдан асосланган бўлишини кўзда тутди. Макродаражада бундай назоратга мисол сифатида мамлакат иқтисодий тараққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари башоратлари асосида барча

даражадаги бюджетларни ва нобюджет фондларининг молиявий режаларини тузиш ва тасдиқлаш жараёнини кўрсатиш мумкин. Микродаражада эса улар молиявий режалар ва сметалар, кредит ва касса аризалари, бизнес-режаларнинг молиявий бўлимлари, башорат балансларини тузиш, ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида шартнома ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий (оператив) молиявий назорат пул битимлари, молиявий операциялар, ссуда ва субсидияларни бериш ва ҳ.к.ларнинг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларни олиш ва уларни сарфлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган қонунбузарликлардан огоҳлантиради, молиявий интизомнинг мустаҳкамланишига ва пул ҳисоб-китобларининг ўз вақтида амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда бухгалтерия хизматлари катта аҳамият касб этади. Навбатдаги молиявий назорат молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил ва тафтиш қилиш йўли билан амалга оширилиб, унинг бу шакли иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятининг натижаларини, таклиф этилган молиявий стратегия амалга оширилганлигининг самарадорлигини, молиявий харажатларни уларнинг башоратлари билан қиёсланишини ва ҳ.к.ларни баҳолашга мўлжалланган.

Назоратнинг субъектлари бўйича молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари бўлиши мумкин:

- Президент молиявий назорати;

- ҳокимият қонунчилик органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг молиявий назорати;

- ижроия ҳокимият органлари молиявий назорати;

- молия-кредит органларининг молиявий назорати;

- фирмавий-ички молиявий назорат;

- аудиторлик молиявий назорати;

- ва бошқалар.

Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бюджет молиявий назорати;

- нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- солиқлар бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- валюта операциялари устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- кредит операциялари бўйича молиявий назорат;
- суғурта фаолияти бўйича молиявий назорат;
- инвестицион фаолият бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- пул массаси устида амалга ошириладиган молиявий назорат;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қуйидаги методларидан фойдаланилади:

- текширув;
- тадқиқ этиш;
- назорат;
- молиявий ҳолат таҳлили;
- мониторинг;
- тафтиш.

Текширув ҳисобот, баланс ва харажат ҳужжатлари асосида молиявий-хўжалик фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича амалга оширилади. Текширув жараёнида молиявий интизомнинг бузилганлиги аниқланади ва уларга барҳам бериш борасида чоралар белгиланади.

Тадқиқ этиш корхона ва ташкилотлар фаолиятининг айрим томонларини қамраб олади. Тадқиқ этиш жараёнида бажарилган ишлар, материал, ёқилғи ва энергияларнинг сарфланиш ҳажмлари назорат тарзида ўлчанади. Шунингдек, тадқиқ этиш сўраш, кузатиш ва инспекция қилиш ҳоллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин²².

Назорат молиявий фаолиятнинг маълум бир турига (масалан, суғурта, инвестиция, банк ва бошқа фаолиятлар) лицензия олган иқтисодий субъектлар устидан назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни англатади.

²² Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“IQTISOD-MOLIYA”, 2008.223-б.

У бузилиши лицензиянинг чақириб олинishiга олиб келадиган белгиланган қоидалар ва нормативларга риоя қилиниши устидан назоратни кўзда тутати. Иқтисодий таҳлил молиявий назоратни амалга ошириш методи сифатида хўжалик фаолиятининг натижалари, молиявий ҳолатнинг аҳволига умумий баҳо бериш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини асослаш мақсадида даврий ёки йиллик молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини деталлаштирилган тарзда ўрганишни кўзда тутати.

Тафтиш молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва ҳужжатли усуллари қўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини ўзаро боғланган комплекс текширувидан иборат. Тафтиш тафтиш қилинаётган объект фаолиятидаги камчиликлар ва бузилмаларни топиш учун, яъни содир этилган хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги, иқтисодий самарадорлигини, молиявий интизомга риоя этилганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончлилигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Субъект хўжалик фаолиятини қамраб олишнинг тўлиқлигига қараб тафтишнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- тўлиқ;
- қисман;
- мавзули;
- комплексли.

Тўлиқ тафтиш назорат объекти молия-хўжалик фаолиятининг барча томонларини текширишни кўзда тутати. Қисман тафтиш хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг айрим қисмлари ёки томонларини текшириш учун ўтказилади. Мавзули тафтиш бир типдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти бўйича маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказиладики, бу нарса уларга хос бўлган типик камчиликлар ва бузилмаларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларнинг қўлланилишига имкон беради.

Комплексли тафтиш текшириладиган корхона, ташкилот ва муассаса фаолиятининг барча томонларини қамраб оладиган ва энг тўлиқ тафтиш бўлиб, у

назорат субъектининг хўжалик ва молия фаолиятини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ва сифати каби масалаларни ўз ичига олади. Бунда тор техник ва технологик масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, комплексли тафтиш натижаларининг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Молиявий ва хўжалик операцияларининг камраб олиниши даражасига кўра тафтишлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

- ёппасига тафтиш;
- танланма тафтиш;
- комбинациялаштирилган тафтиш.

Ёппасига тафтиш бутун текшириладиган давр мобайнида фаолиятнинг маълум бир қисмидаги барча операцияларнинг текширилишини тақозо этади. Танланма тафтиш у ёки бу вақт оралиғида бирламчи ҳужжатлар бир қисмини текширишдан иборат. Одатда, чоракдаги бир ойнинг натижалари текширилади, камчиликлар аниқланса, ёппасига текширувга ўтилади. Комбинациялаштирилган тафтиш бир қисмнинг ёппасига, бошқа бир қисми эса танланма метод билан текширилишини назарда тутди. Бу нарса юқори даражадаги ҳужжатларнинг айланиши билан тавсифланадиган ва йирик хўжалик операцияларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилишга имкон беради.

Ўтказилган тафтиш асосида далолатнома расмийлаштирилади. Унда камчиликларни бартараф этиш, моддий зарарларни қоплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чоралари белгиланади.

2.2. Молиявий назорат органларининг ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган ҳокимиятни тақсимланиш принципи Президент ва ваколатли ҳукумат органлари томонидан ижро ҳокимияти органларининг молиявий фаолиятини назорат қилишни назарда тутди. Бундай назорат, авваламбор, республика ва маҳаллий бюджетларни, давлат мақсадли нобюджет фондларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ҳисоботларни тасдиқлашда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдироти бўйича мамлакат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилади. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юклатилиши мумкин.

Молиявий назоратни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Республика Конституцияси 93-моддасининг 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва жумладан, давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар)ни шакллантиради. Давлат молиявий назорати тизимида Ҳисоб палатасига ката ўрин ажратилган²³. У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда қуйидаги функцияларни бажариш юклатилган:

-макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб, уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;

-давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш;

-давлат бюджетини ижро этиш, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича

²³ Мазкур палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони билан ташкил этилган.

-таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқиш;

-минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари аҳамиятини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбуллигига эришиш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

-минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

-умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

-бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

-миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг оптимал бирлигига эришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш;

-олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат этиш, йўқотишлар ва суиистеъмолликлар каналлари ва имкониятларини йўқотиш мақсадида давлат олтин-валюта захираларининг бутун ҳаракати тиниқлигини таъминлаш;

-ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта захираларини чет эл банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самарадорлигини назорат қилиш;

-давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат этиш;

-экспортни ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини бажариш, маҳсулот импорт қилишни мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат этиш;

-чет давлатларда давлат мулкани реализация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таҳлил ўтказиш ва уларнинг назорат этилишини таъминлаш;

-республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар конларини қазииш ва улардан фойдаланиш юзасидан чет эл компанияларининг таклифларини кўриб чиқиш;

-Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет эл кредитлари ва қарзларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, халқаро молия бозорларига республика қарз мажбуриятларини чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш;

-олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсатига таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш;

-вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишфаолиятини мувофиқлаштириш²⁴.

Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш. Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган

²⁴ Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“ИQTISOD-MOLIYA”, 2008.227-б.

1) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, кўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

2) зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

3) ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;

4) Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш;

5) қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Молиявий назорат бўйича муҳим вазифа ва функциялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига ҳам юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги қонунининг 12-моддасига мувофиқ у вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. У давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида катта ваколатлар берилган. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг минтақавий комиссияларига эга. Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув

органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ қуйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

-иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлиқ тўлаш бўйича амалдаги қонунчилик меъёрларига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

-корхоналарнинг дебиторлик қарзлари аҳволини таҳлил этиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича боқимандаларини қисқартириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олиншини таъминлаш;

-корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг ажратиб олинishi, шу жумладан, тайёр маҳсулот захираларига ва тугалланмаган қурилишга ажратилиши сабаблари ва йўналишларини аниқлаш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у хусусан, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-вазирликлар, қўмиталар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, дав-лат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқ ва тўлов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш;

-боқимандаларни тўлаш, пеня ҳисобланишини тугатиш бўйича муддатларни кечиктириш ёки узайтириш, бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар ва тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш;

-белгиланган тартибда молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини текширишни ташкил этиш, Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан олиш;

-банкротлик ва корхоналарни санациялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санациялаш ёки мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўювчи корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш учун материалларни хўжалик судига бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар бериш;

-солиқ солиш тизими ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни яхшилаш учун йўналтирилган республика қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ва ҳ.к.²⁵.

Республика пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига республикада нақд пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган²⁶.

Мулкчилик шаклларида қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашувга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг

²⁵ Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 230-б.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида» 1996 йил №УП-1492-сонли Фармони.

фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги №УП-1503 Фармони билан Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Мазкур Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади. Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида низомга асосан амалга оширади²⁷.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда тегишли ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг таркиби Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланади. Кенгаш фаолиятининг мақсади, мулкчилик шаклларида қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш-фаолиятига назорат органлари томонидан асоссиз равишда аралаштиришга йўл қўймасликдан иборат. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари қилиб белгиланган: 1) назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар иш-фаолиятини текшириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

2)хўжалик юритувчи субъектларнинг иш-фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувларнинг умумий сонини қисқартириш;

3)текширувлар, шунингдек назорат органларининг фаолиятини қайтаришга йўл қўювчи комплекс текширувларнинг мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

4)текширувлар ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи режаларга риоя этилган ҳолда назорат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва Кенгаш билан

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114—сонли Фармони.

келишилмай туриб, режадан ташқари, қарши текширув ва назорат тартибида текширувлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

5) текширувларни қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Кенгаш ҳудудий комиссияларининг асосий функцияларига:

-хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи режа-графиклар ишлаб чиқиш;

-мувофиқлаштирувчи режа-графиклар бажарилишига риоя этилиши устидан мониторинг ўрнатиш каби вазифалар киради.

Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳамда ўз мақомига мувофиқ равишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-республика барча вазирликлари ва идораларидан яқинлашиб келаётган давр учун мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширув режаларини сўраш ва олиш;

-текширувларни мувофиқлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш талаб қилинган кўрсатмаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда назорат органларига жўнатиш;

-текширувларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ёки Кенгаш қарорларини бузишда айбдор бўлган назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларга маъмурий чоралар белгиланганлиги тўғрисидаги тақдимномаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда жўнатиш;

-назорат органларининг режадан ташқари текширувлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини, агар уларни ўтказиш учун етарлича асослар бўлмаса, бекор қилиш.

Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан тушган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳамда олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳукуматга мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт.

Давлат молиявий назорати тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қўйи органлари алоҳида ўрин тутди. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий эҳтиёжлар билан белгиланади. Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қўйидаги асосий вазифа ва функциялар юкланган:

1) республика вазирликлари, қўмиталари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молиялаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

2) қимматли қоғозлар бозори шаклланиши, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат этиш, молия бозорини шакллантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

3) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган, шунингдек барча кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, қайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (жумладан экспорт) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Хукуматнинг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига янги вазифалар юкланди. Хусусан, энди аудиторлик ташкилотларида лицензия

шартномаларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишни амалга ошириш ҳам унинг вазифасига киради.

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низомга²⁸ асосан фаолият юритади. Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошқа вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

молия- органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилиги ҳамда бюджет мажбуриятларининг ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

. -республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий ижро этилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;

-молия органлари ва тижорат банклари томонидан биринчи навбатдаги харажатлар навбатида риоя этилиши, бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий нафақалар, стипендиялар бериш муддатлари ва тўлиқлиги, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатилган мақсадлар учун нақд пул маблағларини бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари орқали кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар билан таъминлаш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори иловаси.

-пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш бўйича статистик ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;

-пахта хом ашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилиши бўйича текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

-инвестиция дастурларнинг амалга оширилиши учун ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш;

-коммунал хизматлар ва электр энергияси учун бюджет маблағларини сарфлаш лимитларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб туриш;

-бюджет муассасалари томонидан штатлар жадвали-смета интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

-ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг бюджет жараёнига ноқонуний равишда аралашуви фактларини тўхтатиш;

-давлат валюта маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш;

-фуқароларнинг молия ва бюджет интизоми бузилганлиги фактлари тўғрисидаги хат, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва ҳ.к.²⁹.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1)ҳудудий молия органларининг маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича иш-фаолиятини, барча даражадаги бюджет муассасаларининг эса, харажатлар сметалари ва бюджет интизомига риоя этиш бўйича иш-фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);

²⁹ Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“ИQTISOD-MOLIYA”, 2008. 234-б.

2)худудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасаларининг пул ва бухгалтерия хужжатлари, ҳисоботлари, сметалари ва бошқа хужжатлари, моддий бойликларимавжудлигини текшириш;

3)махсус ваколатли органнинг қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;

4)тижорат банклари муассасалари, солиқ органлари, бошқа идоралардан тафтиш ва текширувлар ўтказиш вақтида юзага келадиган саволлар бўйича зарур бўлган маълумотномалар ва ахборот, маълумотларни олиш;

5)қурилиш, монтаж, таъмирлаш каби ишлар назорат ўлчамларини амалга ошириш ва бошқа текширувларни ўтказиш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш;

6)худудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтиш ва текширувлар ўтказиш жараёнида юзага келадиган масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши фактлари, шунингдек, маълумотнома, тафтиш ва текширувлар далолатномаларининг имзоланиши бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

7)зарур бўлган ҳолларда касса ва касса хоналари, омборлар, архивларни муҳрлаб қўйиш, қалбаки, сохта хужжатлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланган ҳолларда хужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган объектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг йўқлама қилинишини талаб этиш;

8)Молия вазирлигининг топшириғи ва у томонидан тасдиқланган махсус графиклар бўйича пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид бутун даврда пахта тозалаш корхоналарида тайёрланаётган, қайта тайёрланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсига тегишли масалалар бўйича текширув ва тафтишлар ўтказиш;

9)молия ва бюджет интизоми бўйича аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа вазифалар бўйича тафтиш ва текширувлар материаллари юзасидан тегишли таклифлар киритиш.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширади. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширувдан ўтказишади, махсус ваколатли орган рухсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қилади.

Давлат молиявий назоратини амалга оширишда солиқ органлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги қонуни³⁰ солиқ назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Солиқ назорати солиқ солиш субъектлари ва объектлари ҳисобини юритиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар ҳисобини юритиш, солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқашахсларни сўроқ қилиш ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг молиявий назоратга оид асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонунчилиги, солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси нобюджет Пенсия фондига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш;

- солиқ қонунчилигига риоя этилишининг зарурий шартларини таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, солиқ бўйича қоидабузарликларни аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., №9.

-солиқ тўловчиларда (жумладан, солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) Ўзбекистон Республикаси нобюджет Пенсия фондида мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ бўлган молиявий ҳужжатларни, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

-қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро биргаликда бажарадилар. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқ қонунбузарлигига қарши курашда ёрдам беришлари шарт.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган солиқ назоратини ташкил этиш Давлат солиқ қўмитаси ва унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида низомга³¹ мувофиқ у давлат солиқ хизматининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, давлат иқтисодий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоялашнинг таъминланиши соҳасидаги назорат бўйича марказий органи ҳисобланади. Давлат солиқ қўмитасининг молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади. Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақлидир:

³¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган.

1)Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ бошқа текширув ва назорат органларини жалб этган ҳолда, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш;

2)солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар, сметалар, солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳамда экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар асосида текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

3)савдо, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, акциз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ва маркалаш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг тўлиқ қирим қилиниши, назорат-касса аппаратларини қўллаш қонунчилигига риоя этилиши ва бошқаларни назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимида Бош назорат-тафтиш бошқармаси³² тузилган бўлиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари мавжуд. Мазкур органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этиши бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширувларни ҳамда ҳукумат қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган масалалар бўйича назорат текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш;

-хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаб ёзилиши, ундириб олинишида қонунийликка риоя этилиши, бюджетга тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида киритилишини назорат қилиш; солиқ қонунбузарликларини аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиш;

-ўтказилган ҳужжатли ва назорат текширувлари (ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва ҳ.к.ни ундириб олиш) якуни бўйича

³² Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сонли қарори билан тузилган. Ушбу орган тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарор билан тасдиқланган.

хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

-солиқ қонунчилигининг бузилишига оид маълумотларни ҳамда ҳужжатли ва назорат текширувлари натижасида аниқланган бошқа фактларни умумлаштириш ва таҳлил этиш ва ҳ.к.

Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этиши ва функцияларини бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– юридик ва жисмоний шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тегишли маълумот, ахборот, маълумотнома, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

– банклар ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларида амалга оширилган операциялари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш.

Давлат молиявий назорати бўйича функцияларни банк тизими ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкка қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1)банклардан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, жумладан, операциялари тўғрисида ахборот, маълумотларни сўраш ва олиш;

2)олинган ахборот, маълумотлар бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

3) банкларнинг ички аудити бўйича талаблар белгилаш;

4) банк активларини сифат бўйича тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун шундай захиралар тузишни талаб қилиш;

5) банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма буйруқлар, кўрсатмалар жўнатиш.

Текширувлар Марказий банк томонидан белгиланадиган ваколатли вакиллари ва аудиторлар томонидан ўтказилади. Давлат молиявий назоратнинг айрим функцияларини бошқа органлар ҳам бажаради. Бу, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш марказига³³ тааллуқли бўлиб, унинг зиммасига барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

2.3. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати

Мамлакатнинг иқтисодиётдаги янги устувор ислохотларни чуқурлаштирилиши, шунингдек хусусийлаштириш жараёнини ўсиб бориши аудитнинг ривожланиб боришини тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар, кредит муассасалари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар мулкдан, пул маблағларидан фойдаланиш, тижорат ва инвестициявий муамолаларни амалга ошириш бўйича шартномавий муносабатларга киришадилар. Бу муносабатларнинг тўғрилиги ва ишончли эканлиги барча шартномавий муносабатлар иштирокчиларини молиявий ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини яратиш билан мустаҳкамланади. Мустақил аудитор бу каби

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги №УП-1414-сонли фармони билан тузилган.

ахборотларнинг ишончли эканлигини тасдиқлаб берувчи холис томон ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг янада ривожланиши унинг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш учун инвестициялар жалб этишни зарурият қилиб қўяди. Хусусий ва хорижий капиталларни, шунингдек аҳолининг омонатга қўйилган маблағларини жалб этишга интилишлар, фаолиятнинг фойда келтирувчи турлари ва уларнинг фойдалар келтириш жараёни молиявий ахборотлар манбаларининг, баъзан фойдаланувчилар ишончини қозонган тегишли аудитор хулосаларининг мавжуд эмаслиги туфайли кучли тўсиқларга учрайди. Бу каби манбаларнинг етарли эмаслиги Ўзбекистон иқтисодиётининг 80 фоизга яқинини ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган кампанияларнинг қўшимча маблағларни жалб этишига тўсиқ бўлмоқда³⁴. Аудитнинг бош мақсади субъектнинг молиявий ҳисоботларини ишончли ва тўғрилигини аниқлаш, миқдорларни қонунлар, ҳўжалик ҳуқуқлари меъёрлари ва солиқ қонунчилигига амал қилишини мониторинг қилишдир.

Ўзбекистонда мустақиллик даврига келиб аудитнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар туғилди. Аудитни ривожлантириш ислохотларида келиб чиқиб мамлакатда аудитни ривожланиш босқичларини шартли равишда учга бўлиш мумкин (2-жадвал):

Биринчи босқич – шаклланиш босқич - 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунини қабул қилиниши натижасида бошланиб, у республикада аудитни шаклланиши ва ривожланишининг асоси бўлди. Ўзбекистонда дастлаб Аудиторлик фаолиятининг тўққизта Миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Иккинчи босқич – халқаро тажрибалар асосидаги аудит бозорини шаклланиш босқичи ҳисобланади. Бу босқичнинг бошланиши 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти

³⁴ Тулаходжаева М.М., Пономарева А.Н. Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан.-Ташкент:ПРООН, 2010, с.4.

Ўзбекистонда аудитни ривожланиш босқичлари

I-босқич – 1992-2000 йй	-Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунини қабул қилиниши; -Аудиторлик фаолиятининг тўққизта Миллий стандартларини ўрнатилиши.
II-босқич – 2000-2007 йй	-Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиниши; Низомнинг қабул қилиниши: А)аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби; Б)аудиторнинг малакавий сертификатини бериш тартиби; -Аудиторлик фаолиятининг ўн иккита Миллий стандартларини ўрнатилиши.
III-босқич– 2007 й.да бошланди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатилган хизматлар сифати учун масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ва “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишга доир қўшимча чоралар тўғрисида”ги Қарорларини қабул қилиниши; -аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомни тасдиқланши; -2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик текширувлари турларига тегишли ҳолда аудиторлик фаолиятига лицензияларга нисбатан дифференциялашган талаблар тизимини жорий этилиши.

Манба:Тулаходжаева М.М.,Пономарева А.Н. Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан.-Ташкент:ПРООН, 2010, с4.

тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиниши билан боғлиқдир. Бу қонуннинг асосий мақсади – миллий аудитнинг ўзига хос бўлган функцияларини самарали ва муваффақиятли бажара олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аудиторларнинг амалга оширган текширувлари натижалари учун масъуллигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, аудиторларнинг ўз бюртмачилари – хўжалик юритувчи субъектлар қонуний манфаатларини самарали тарзда ҳимоя этишдан иборат эди. Шунингдек, яна

Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС)га асосланган Аудиторлик фаолиятининг ўн иккита Миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Учинчи босқич – аудиторлик хизмати нинг сифати учун масъуллиқни ошириш даври бўлди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги № ПҚ-615-рақамли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатилган хизматлар сифати учун масъулиятини ошириш тўғрисида”ги Фармонида ўз ифодасини топди.

Бу қарорнинг қабул қилинишини аудиторлик фаолиятига нисбатан янги талабларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди (жумладан, “ENRON” ва “PARMALAT” кампаниялари билан боғлиқ халқаро жанжалларнинг чиқиши билан боғлиқ ҳола янги талабларни ишлаб чиқилиши). Президент қарори аудиторлик фаолияти ҳуқуқий доирасини аниқ ва равшан ҳолда белгилаб беиши билан бир вақтда аудиторларнинг профессионал жамоатчилик бирлашмаларини жалб этган ҳолда аудиторлик фаолиятини янада мувофиқлаштириш тизимин шакллантиришга қаратилган эди.

Аудитнинг халқаро андозалари. Трансмиллий корпорацияларининг ривожланиши ва интеграцияси шунингдек аудиторлик фирмаларини йирик халқаро корпорацияларга айланиши аудитни халқаро масштабда унификациялаш заруриятини туғдирди. Аудит соҳасидаги муаммолар бутун дунёда бир хилдир. Шунинг учун барча давлатларнинг аудит билан шуғулланувчи идоралари, ташкилотлари аудит тўғрисида ўз муаммоларни ечишда бошқа давлатларнинг амалиётига таянадилар.

Халқаро миқёсда аудит бўйича профессионал талабларни ишлаб чиқиш билан бир қанча ташкилотлар шуғулланадилар. Булар жумласига 1977 йилда вужудга келган халқаро бухгалтерлар федерацияси (International Federation of Accountants - IFAC) ҳам киради. Аудиторлик андозалари амалиёти билан бу ташкилотнинг халқаро қўмитаси (International Auditing Practices Committee - IAPC) шуғулланади. Бу қўмита томонидан тайёрланган аудитнинг халқаро андозалари (International Auditing Guidelines - IAG) аудиторларни

профессионализмини оширишга ва аудитни халқаро масштабда унификациялашга қаратилган.

Аудиторлик фаолияти юритишнинг халқаро андозалари билан бир каторда миллий андозаларни ҳам ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш мумкин. Баъзи бир мамлакатлар (Австралия, Бразилия, Индия, Голландия)да халқаро андозалар асосида миллий андозалар ишлаб чиқилмоқда. Кипр, Малайзия, Нигерия каби давлатлар халқаро андозалардан миллий андоза сифатида фойдаланилмоқдалар. Канада, Буюк Британия, Ирландия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ўзларининг миллий андозалари мавжуд бўлишига қарамай аудит ишларини ташкил қилишда халқаро андозалардан ҳам фойдаланилади.

Аудитнинг халқаро андозалари қуйидагилардир:

IAG 1. Молиявий ҳисоботларни текширишнинг мақсади ва ҳажми.

IAG 2. Аудит ўтказиш учун розилик хати.

IAG 3. Аудит ўтказишнинг асосий тамойиллари.

IAG 4. Режалаштириш.

IAG 5. Бошқа аудиторлар иши натижаларидан фойдаланиш.

IAG 6. Аудит ўтказиш муносабати билан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизимини ва ички назорат воситаларини ўрганиш ва баҳолаш.

IAG 7. Аудит сифатини назорати.

IAG 8. Аудит маълумотлари.

IAG 9. Ҳужжатлаштириш.

IAG 10. Ички аудит иши натижаларидан фойдаланиш.

IAG 11. Ёлғон ва хато.

IAG 12. Аналитик текширув.

IAG 13. Молиявий ҳисоботлар бўйича аудитор хулосаси.

IAG 14. Текширилган молиявий ҳисобот ҳужжатлардаги бошқа ахборот.

IAG 15. Маълумотларни электрон қайта ишлаш шароитида аудит ўтказиш.

IAG 16. Аудитнинг компьютер усуллари.

IAG 17. Қизиқиши бор томонлар.

IAG 18. Эксперт ишидан фойдаланиш.

IAG 19. Аудитор танлови.

IAG 20. Маълумотларни қайта ишлашда ҳисоблашув тизимини қўллаш.

IAG 21. Аудиторлик хулосасига сана қўйиш. Балансга қўл ўйилгандан кейинги ҳодисалар. Молиявий ҳисоботлар нашр қилинганидан кейин аниқланган далиллар.

IAG 22. Раҳбарнинг тушунтиришлари.

IAG 23. Ҳаракатдаги корхона.

IAG 24. Аудиторнинг махсус ҳисоботлари.

IAG 25. Мавжудлик ва аудиторлик таваккалчилиги.

IAG 26. Аудитда баҳолаш ҳисоблашуви.

IAG 27. Истикболдаги молиявий ахборотларни ўрганиш.

IAG 28. Молиявий ҳисоботларни текширишда аудиторнинг дастлабки қолдиқлар учун масъулияти.

IAG 29. Хусусий ва назорат таваккалчилиги ва уларни мустақил жараёнларга таъсирини баҳолаш.

Аудиторлик фирмалари ўз фаолиятларини ташкил қилишда аудитнинг ички андозаларидан фойдаланишади. Бу андозалар аудиторлик фирмаларини аудиторлик текширувига ягона ёндошишини таъминлайди. Улар қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

келишув мақсадларини аниқлаш;

бизнес шарҳи;

таваккалчилик эҳтимолини баҳолаш;

аудит стратегиясини ишлаб чиқиш учун ички назорат тизимини баҳолаш;

аудиторлик текшируви стратегиясини аниқлаш;

назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

мустақил изланишлар режаси;

аудиторлик текшируви якуни;

хулоса бериш³⁵.

Миллий Аудиторлик Стандартлари (МАС). Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий интеграциясига аста-секин қўшила бориши барча соҳада бўлгани каби аудиторлик фаолиятида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу боисдан, аудитни халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда.

Бозор муносабатларини жадаллаштиришда республикамизнинг жаҳон бозорига янада чуқурроқ кириб бориши иқтисодий ислохотларни ривожлантиришни, иқтисодий муносабатларни янада кенгроқ амалга ошириш учун аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мослаштиришни тақозо қилмоқда. Бу борада аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб қуйидаги аудитнинг миллий стандартлари тасдиқланган:

Аудитни режалаштириш

Аудит иши сифатини назорат қилиш

Аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш

Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги

Молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот

Маълумотларнинг компьютер ишлови (МКИ) шароитида аудит

Таҳлилий таомиллар

Аудиторлик танлаш

Эксперт хизматидан фойдаланиш

Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши

Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни текшириш

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш
Аудиторлик далиллари
Алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далилларини
олиш таомиллари

Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар
Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш
Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик
хулосаси

Махсус саволни текшириш

натижалари бўйича аудитор ҳисоботи

Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 3, 4, 5, 6, 9, 10, 11, 13, 14, 16-сон миллий стандартлари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги «Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасида келтирилган асосий қоидаларни амалга оширилиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 296-сон қарори асосида ишлаб чиқилган ва улар Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш унсури бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 25, 31, 50, 55, 56, 60, 70, 80, 90-сон миллий стандартлари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сепabrдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 365-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва улар Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш элементи ҳисобланади³⁶.

³⁶ Халқаро аудит тизими. Ўқув қўлланма./Файзиёв Ш., Исломов Ф., Авлоқулов А. -Т.: ТМИ, 2006. 163-164- б.

2009 йилнинг 1 апрель ҳолатига биноан республикада 133 та аудиторлик ташкилоти фаолият юритди. Аудиторлик текширувлари турларига тегишли ҳолда аудиторлик фаолиятига лицензияларга нисбатан дифференциялашган талаблар тизимини жорий этилишидан келиб чиқиб аудиторлик ташкилотларининг сони қуйидаги ҳолатда тақсимланди (Қаранг: 3-жадвал).

Аудиторик фаолиятини мувофиқлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти давлат томонидан аудиторларнинг профессионал бирлашмалари иштирокида қонунлар ва қонун ости актлари қабул қилиш йўли билан барча аудиторлик фаолияти иштирокчилари ва уларнинг ўзаро муносабатларини қамраб олган ҳолда мувофиқлаштирилади.

Аудиторлик фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими нафат “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун билан, балки аудитга қандайдир даражада тегишли бўлган бошқа қонунлар, масалан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги каби қонунлар, шунингдек Маъмурий кодекс меъёрлари.

Ундан ташқари, аудитни мувоқфилаштирувчи меъёрий актлар сирасига Президентнинг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатилган хизматлар сифати учун масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ва “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишга доир қўшимча чоралар тўғрисида”ги қарорлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аудиторлик ташкилотлари фаолиятини лицензиялашга доир қарори билан бу йўналишда махсус аудиторлик фаолиятини давлат томонидан лицензиялаш ваколати Молия вазирлиги ваколатига берилган.

Аудиторлик ташкилотларининг сонини тақсимланиши

Лицензиялар турлари	Қонунчилик доирасида тегишли тур бўйича лицензия олишга нисбатан талаблар			Тегишли тур бўйича лицензиялар олган аудиторлик ташкилотлари сони
	Низом капитали ҳажми	Аудиторларни штатли сони Ҳаммаси	Шундан бухгалтернинг халқаро сертификатига эга бўлганлар	
I.Барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари	Минимал иш ҳақи ҳажмидан 5000 мартадан кам бўлган	6 та аудитордан кам бўлмаган	2 та аудитордан кам бўлмаган	51
II.Ташаббус ва мажбурий тарзларда хўжалик юритувчи субъектларни текширувчи аудиторлик ташкилотлари, 500 млн. сўмдан кўп бўлган низомий капиталга эга бўлган очик акционерлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари	Минимал иш ҳақи ҳажмидан 3000 мартадан кам бўлган	4 та аудитордан кам бўлмаган	1 та аудитордан кам бўлмаган	27
III.Фақат ташаббус билан аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари	Минимал иш ҳақи ҳажмидан 1500 мартадан кам бўлган	2 та аудитордан кам бўлмаган	талаб этилмайди	55
Ҳаммаси				133

Манба:Тулаходжаева М.М., Пономарева А.Н. Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан. Аналитическая записка.-Ташкент: ПРООН, 2010, с.5.

Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришни амалга ошира бориб, аудит методологиясини ишлаб чиқади, аудиторлик фаолиятини қоидаларини ўрнатади, шунингдек бошқа аудиторлик фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий актларни қабул қилади,

фуқароларга аудитор малакавий сертификатлари беришни ташкил этади, аудиторлик фаолиятини лицензиялайди, аудитга доир қонунчиликни шарҳлаб беради, аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензияларга қўйилган талаблар ва шароитларни бажаралишини назорат қилади.

Аудиторлар касбий даражасини оширишни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республикада аудиторларнинг иккита профессионал ташкилоти фаолият юритмоқда: Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси ва Аудиторлар Палатаси.

Ўзбекистондаги аудиторларнинг профессионал жамоатчилик бирлашмаларининг асосий мақсади аудиторлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, аудиторлик фаолиятига доир қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар бериш, аудиторларнинг бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдир. Аудиторларнинг профессионал жамоатчилик бирлашмалари томонидан 2004 йилда Аудиторларнинг профессионал этикаси Кодекси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Аудиторларнинг профессионал жамоатчилик бирлашмалари 2008 йилдан эътиборан аудитор ташкилотларини мажбурий равишда рейтинг баҳолаш ишини амалга ошириб келмоқда³⁷. Аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий актлар талабларини ижро этувчилар – булар аудитор ташкилотларидир. Шунингдек, улар ички стандартлар, аудит ўтказиш усуллари, аудиторлар ишлари сифати устидан ички назорат олиб бориш қоидаларини ишлаб чиқиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. Аудиторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган усуллар ва қоидалар меъёрий-ҳуқуқий актлардаги қоидаларни аниқлаштиради ва амалда қўллаш имкониятларин яратади.

III боб. Молиявий назорат тизимини такомиллаштириш

³⁷ Тулаходжаева М.М., Пономарева А.Н. Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан.-Ташкент:ПРООН, 2010, с.6-7.

3.1.Молиявий назорат тизимида нодавлат назоратнинг ўрни

Молиявий назорат тизимида нодавлат назорат сифатида аудит шаклланди. Аудит катта тарихга эга бўлиб, биринчи мустақил аудиторлар Европадаги акционер компанияларида XIX асрда фаолият кўрсата бошлаганлар. "Аудит" сўзининг таржимаси "тингловчи" маъносини англатади.

Аудитнинг пайдо бўлиши корхонани бевосита бошқариш билан шуғулланувчилар (маъмурият, менеджерлар) ҳамда унинг фаолиятига ўз маблағларини йўналтирувчилар (мулкдорлар, акционерлар, инвесторлар) ўртасидаги манфаат билан бевосита боғлиқ. Корхона эгалари фақат бошқарувчилар ва уларга бўйсинувчи бухгалтерлар томонидан берилган молиявий ахборотларга ишонишни хоҳламас эдилар. Шунингдек, корхоналарнинг инқироzi ҳамда маъмурият томонидан алдашларнинг ўсиши молиявий қўйилмалар таваккалчилигини оширди. Акционерлар, маъмурият томонидан берилган молиявий ҳисоботлар корхонанинг ҳақиқий молиявий ҳолатини акс эттирилишини хоҳлар эдилар.

Корхонанинг молиявий ҳолатини акс эттирувчи ахборотларнинг тўғрилигини текшириш ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ташқаридан мутахассислар таклиф қилинар эди. Бу мутахассислар олдида қўйилган асосий талаблар уларнинг ҳалоллиги ва мустақиллигидан иборат эди. У даврларда кишилар учун бухгалтерия ҳисоби бўйича чуқур билимларга эга бўлишлари талаб этилмас эди, аммо бухгалтерия ҳисобини мураккаблашуви билан аудиторлардан юқори даражадаги профессионал тайёргарлик талаб қилина бошланди.

Аудитнинг тарихий ватани Англия ҳисобланади. Чунки 1844 йилда Англияда акциядорлик компаниялар тўғрисидаги қонунлар амалда қўлланила бошлайди, бунга кўра акционер компания бошқаруви 1 йилда камида 1 маротаба бухгалтерия ҳисоблари ва ҳисоботларини текшириш учун махсус мутахассисни - аудиторни таклиф қилишлари шарт эди³⁸.

³⁸ Аудит. Юлдашева С.А. ва бошқалар.-Тошкент:ТАТУ,2003, 3-б.

1929-1933 йиллардаги жаҳонда содир бўлган иқтисодий кризиси профессионал бухгалтер-аудиторлар хизматига бўлган талабни ҳамда аудиторлик текширувларнинг сифатига бўлган талабни янада оширди. Кризис тугагандан кейин кўпчилик мамлакатларда йиллик ҳисоботларда келтириладиган ахборотларнинг ҳажмига мажбурий талаб қўйилди ва бу ҳисоботларнинг тўғрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлаш ва уларни матбуотда нашр этишнинг мажбурийлиги амал қила бошлади. Аудит товламачиликка қарши кучли курашга айланди.

XX асрнинг 40-йилларининг охирига қадар аудит асосан ёзилган пул операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда молиявий ҳисоботларда бу операцияларни тўғри гуруҳланганлигини текширишдан иборат эди. Бу тасдиқловчи аудит деб аталар эди.

1949 йилдан кейин мустақил аудиторлар кўпроқ эътиборни компаниянинг ички назорат муаммоларига қарата бошладилар. Чунки ички назорат тизимининг самаралилигида хатолар эҳтимоли кам ҳамда молиявий маълумотлар етарлича тўлиқ ва аниқ бўлишлигини такоза этади. Аудиторлик фирмалари аудит текширувларига қараганда кўпроқ маслаҳатчилик фаолияти билан шуғуллана бошладилар. Бу тизимли йўналтирилган аудит деб атала бошлади.

Аудит ривожланишининг 3-босқичида текширувларни ва маслаҳатларни амалга оширишда мавжуд бўлган таваккалчилликка эътиборни қаратиш ва таваккалчилликларни самарали бошқаришга асосий эътиборни қаратди. Бунда мижоз фаолиятини текшириш, асосан хатолар ва товламачилик, таваккалчиллик максимал бўлган жойларда амалга оширила бошланди. Бу таваккалчиликка асосланган аудит деб аталади.

XX асрнинг 70-йилларининг бошида аудиторнинг халқаро андозалари яратила бошланди. Англияда аудитор деб, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини назорат қилиш бўйича фаолият кўрсатувчи мутахассислар тушунилади. Францияда эса мустақил аудиторлик фирмалари молиявий назорат ва хизматнинг қуйидаги соҳаларида фаолият кўрсатишади:

бухгалтерия ҳисобини юритувчи, ҳисоботларни тузувчи ва шу соҳада маслаҳат хизматини кўрсатувчи фаолият;

молиявий ҳисоботлар ишончлилигини назоратини таъминловчи, ҳисоб варакалар бўйича комиссарлар;

АҚШда молиявий ҳисоботлар тўғрилигини текшириш дипломли жамоа бухгалтерлар томонидан амалга оширилди.

Ҳамма ривожланган мамлакатларда бухгалтер-аудитор касбини эгалламоқчи бўлган кишиларга ўзоқ йиллар давомида ўқиш ва амалий фаолият билан шуғулланишга тўғри келади. Бу касб эгалари фаолияти доимо аудиторлар палатаси томонидан текшириб берилади ва аудиторлар палатасидан чиқиш аудиторлик фаолиятини давом эттиришни ман этади.

Аудитор хизматига бўлган эҳтиёж қуйидаги шарт-шароитлар сабабли пайдо бўлди:

-маъмурият томонидан объектив бўлмаган ахборотларни берилиши мумкинлиги (корхона эгаларига, инвесторларга, кредиторларга);

-қабул қилинадиган қарорларнинг натижаси ахборотнинг сифатига боғлиқлиги;

-ахборотни текшириш учун махсус билимларнинг зарурлиги.

Бу шарт-шароитлар мустақил экспертлар хизматига бўлган жамоа эҳтиёжининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу мустақил экспертлар махсус тайёргарликка, малакага, тажрибага ва ушбу турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлишни талаб қилинар эди. Аудиторлик хизмати - бу воситачилик хизмати бўлиб, у молиявий ахборотнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашдир.

Ҳақиқий ахборотнинг мавжудлиги капитал бозорининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишга имкон яратади ҳамда турли-туман иқтисодий қарорларнинг натижаларини баҳолаш имкониятини беради.

Аудитор текширувини мажбурий бўлмаган ҳолларда ҳам ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бозор шароитида корхоналар, кредит муассасалари ва бошқа хўжалик субъектлари мулки, пул маблағларини ишлатиш, тижорат операцияларини

ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича шартномавий муносабатларини амалга оширадilar. Бу муносабатларнинг ишончлилиги албатта молиявий ахборотлардан фойдаланиш имконияти билан боғлиқ. Ахборотнинг аниқлигини мустақил аудиторлар тасдиқлайди.

Аудитни ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурати сифатида аудит фани пайдо бўлди У корхонани таъсис этишда ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳисобот, молия ва таҳлилнинг услубий томонларини ўргатади. Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган захираларни қидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, хўжалик фаолиятини сақлаш каби услубий томонлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мазкур фан корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд барча ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йўллари аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади. Умуман олганда, менежерлар, маркетинг ташкилотлари олдида турган муаммолар ечимини ўрганишда бу фан қўл келади. Чунки мулкка нисбатан эгалик ҳиссини талаб қилади ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган ҳисоботларни аудит текширувидан ўтказиш мажбурият тусига киради. Шу жиҳатдан аудит хизматиға зарурият пайдо бўлади³⁹.

Аудит фанининг объектлари қуйидагилар:

-халқ хўжалигининг бошланғич бўғини ҳисобланган турли мулк шакллариға асосланган корхоналар;

-аудит текширувини ўтказиш жараёниға қараб, хўжалик жараёнлари, маблағлар ва уларнинг манбалари.

Бундан ташқари, корхоналарнинг юридик кучға эға бўлган меъёрий ҳужжатлари, технологик ишлари, хўжалик юритиш ишлари, шартнома муносабатлари, режа тузилиши, шунингдек, унинг таркибий қисмлари ҳам аудит объектини ташкил қилади.

³⁹ Аудит. Юлдашева С.А. ва бошқалар.-Тошкент:ТАТУ,2003, 4-5-б.

Аудит фани предметини мақсади вазифаларидан келиб чиқиб, жумладан мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш ҳамда корхона, тармоқ фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдир. Аудит фани предмети - бу таҳлил ва улар бўйича корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган ёзма хулосаси демакдир.

Бозор иқтисодиёти асосларининг шаклланиши давлат назорат органларининг бевосита иштирокисиз амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турлари аҳамиятини оширади. Юқорида қайд этилгандек, молиявий назоратнинг нодавлат турларини ички корпоратив назорат, тижорат банклар томонидан миқроз-ташкilotлар устидан назорат, аудиторлик назоратлари ташкил қилади. Ички молиявий назоратда корхона, муассаса, фирма, корпорациялар ўзининг иқтисодий хизматлари, яъни бухгалтерия, молия бўлими, молиявий менежмент хизматлари ва бошқалар томонидан ўз корхонаси, филиаллари ва шўъба тузилмаларининг молиявий фаолияти устидан назорат амалга оширилади. Ички назорат хизматлари доимий равишда пул маблағларини (шахсий, қарз, жалб этилган) ишлатилишининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кузатади, режалаштирган молиявий натижалар билан ҳақиқий молиявий натижалар қиёслаб, таҳлил қилади, инвестицион лойиҳаларнинг натижаларига молиявий баҳо беради, корхонанинг молиявий ҳолатини назорат қилади.

Ички назорат капитални инвестициялаштиришнинг бутун жараёнини кузатиб боради. Ички назоратнинг кўринишларидан бири бўлган ва “пост-аудит” номини олган назорат бизнес-режанинг молия бўлимидаги ишлаб чиқариш-инвестиция фаолиятининг ҳар бир босқичида режалаштирилган молиявий натижани ҳақиқий ҳолат билан таққослаш, уларни номувофиқ келиши сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, чиқимларни камайтириш ва молиявий режалаштириш методларини яхшилаш йўллари қидиришни англатади. Банк тизимининг қайта қурилиши натижасида тижорат банкларининг пайдо бўлиши аҳамиятли даражада молиявий назорат соҳасидаги банкларнинг функцияларини ўзгартиради⁴⁰.

⁴⁰ Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“ИQTISOD-MOLIYA”, 2008. 241-б.

Аудиторлик назорати нодавлат молиявий назоратининг янги тури бўлиб, у мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор тизимига ўтилиши ва турли тижорат тизимларининг пайдо бўлиши билан уларнинг молиявий ишончлилигига, шунингдек улар молиявий ҳолатини объектив баҳолашга нисбатан талаблар кескин оширилди. Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларининг амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш, текширилаётган иқтисодий субъектларнинг тўлов-ҳисобот ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини текширишдан иборат.

Аудиторлик хизматлари қуйидаги бошқа хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва олиб бориш;
- даромадлар ҳақида бухгалтерия ҳисоботини ва декларацияни тузиш;
- молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- бухгалтерия хизмати ходимларини ўқитиш ва қонунчилик масалаларида маслаҳат бериш;
- аудиторлик текширувлари натижасида олинган тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ва бошқалар.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббусли бўлиши мумкин. Агар ташаббусли текширув иқтисодий субъектнинг ўз қарори бўйича амалга ошириладиган бўлса, мажбурий аудит унинг хоҳиш иродаси ва истагига боғлиқ бўлмаган ва қонунчиликда белгиланган ҳолларда мажбурий тартибда ўтказилади. Ҳар йили мажбурий аудиторлик текшируви:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестицион ва бошқа жамғармалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратма маблағлари уларнинг асосий манбалари бўлган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар;

-ҳосил бўлиш манбалари қонунчиликда назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалардан иборат бўлган нобюджет фондлар, устав жамғармасида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси сифатида хўжалик юритувчи субъект иштирок этади. Аудиторлик ташкилотини танлаш мулк эгаси, хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) умумий мажлиси билан келишилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги жарима ундириб олиниши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан озод этмайди.

Аудитнинг асосий тамойили унинг мустақиллиги бўлиб, бунда асосан текшириладиган субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисидаги касбий фикрини ифодалашда бирор томоннинг таъсири остида бўлишдан унинг озод эканлигини тушуниш лозим. Шу билан бирга, яна шуни ҳисобга олиш керакки, аудит барча мамлакатларда етарли даражада қаттиқ тартибга солинади. Айрим давлатларда (масалан, Францияда) бу жараёнга давлат аралашиб, у аудит меъёри ва нормативларини белгилайди, аудиторларни ва аудиторлик фирмаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатади. Ўзбекистонда ҳам худди шундай аҳвол таркиб топган бўлиб, бу ерда давлат аудиторлик фаолиятини тартибга солишни фаол амалга оширади. У молиявий қийинчиликлари иқтисодиётга таъсир этиши мумкин бўлган муҳим корхоналарни ажратиш, уларда аудит ўтказиш мажбурий эканлигини белгилайди, аудиторларга (маълумоти, малакаси, имтиҳонларни топшириш тартиби, масъулияти, жавобгарлиги ва бошқалар бўйича) талаблар қўяди⁴¹.

⁴¹ Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. - Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008, 243-б.

Аудитни давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар воситасида амалга оширилади. Бунда аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудитнинг ўзини ўзи бошқаришига катта имконият берилади. Қайд этиш лозимки, ҳар бир мамлакатда жамоат ташкилотларининг ривожланиши ва таъсири турлича амалга оширилади. Масалан, АҚШ ва Англияда аудиторлик фаолияти асосан ихтисослаштирилган профессионал аудиторлик ташкилотлари томонидан тартибга солинади. Кўпгина мамлакатларда мустақил Аудиторлар палаталари ишлаб турибди. Уларнинг асосий вазифалари аудиторлик фаолияти ва аудиторлар ахлоқ меъёрлари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, аудиторлар иш-фаолиятининг сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти бўйича билимларини аттестация қилиш ва ҳужжатлар бериш ҳамда аудиторлик меъёрларини бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш (бу – давлатга хос хусусият бўлмаган мамлакатларда) кабилардан иборат. Аммо айрим мамлакатларда, масалан, Швецияда, гарчи ваколатли аудиторлар уюшмаси ва тасдиқланган аудиторлар уюшмаси ишлаб турган бўлишига қарамасдан, умуман аудиторлик фаолиятини тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилиб, бу бизнинг Республикамизга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси тузилиш жиҳатидан давлат органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади. Аммо унинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий функциялари давлат томонидан мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг аҳамияти ва мақомини белгилаш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди⁴². Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа

⁴²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

назорат органлари томонидан мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Тартиблар тўғрисида бир неча низомлар тасдиқланган:

а) солиқ ва бошқа нazorat органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш;

б) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш;

в) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензиялар бериш.

Солиқ органлари ва бошқа нazorat органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом бундай хулосаларнинг икки турини белгилаб берган бўлиб, улардан ҳар бири муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

– ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти тўғрисида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини тўғри акс эттиради ва хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрлар мавжуд бўлган ҳужжатдир.

– салбий аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида тартиббузарликлар мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчини янглишишга олиб келиши мумкин бўлганлиги тўғрисидаги фикр билдирилган аудиторлик ташкилоти ҳужжатида.

Хўжалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун ижобий йиллик аудиторлик хулосаси мавжуд бўлиши уни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланиб, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ ва бошқа нazorat органлари томонидан текшириш сўнгги текширув ўтказилганидан кейин 24 ой ўтмасидан олдин ўтказилиши мумкин эмас. Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект хўжалик юритувчи субъектларнинг нazorat органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув режа-жадвалига киритилиши керак. Солиқ ва бошқа

назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ келмаслигини аниқлаган ҳолда, ушбу аудиторлик хулосаси шакшубҳасиз сохта деб ҳисобланади ва аудиторлик ташкилоти, шунингдек, бунда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Бунда солиқ ва бошқа нazorat органлари ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли аудиторлик ташкилоти томонидан амалдаги қонунчилик меъёрлари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида хабар бериши шарт⁴³.

Аудиторлик ташкилоти, шунингдек, шак-шубҳасиз сохта аудиторлик хулосаларини тузишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш хўжалик юритувчи субъектнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича белгиланган тартибни бузганлиги учун қонунчиликда назарда тутилган жазо чораларидан озод қилмайди. Мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш тартиби тўғрисида низом қонунчиликка мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан амал қилади. Жарима солиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортиши асос бўлади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майига қадар ўтказилиши ҳамда аудиторлик хулосасининг йўқлиги қоидабузарлик факти деб топилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъект ўзининг йиллик молиявий йил учун аудиторлик текширувини ҳисобот йилининг 1 майига қадар ўтказди ва аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кунлик муддат ичида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади. Аудиторлик хулосасининг нусхаси белгиланган муддатда солиқ органига

⁴³ Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.245-б.

топширилмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект ушбу органга ёзма равишда аудиторлик хулосаси йўқлиги сабабини акс эттирувчи тушунтиришни тақдим этиши шарт. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортилганлиги сабабли аудиторлик хулосаси йўқ бўлган тақдирда, солиқ органи хўжалик юритувчи субъектга белгиланган тартибда жарима солади.

Бошқа назорат органи томонидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ органи томонидан жарима солиш чораси қўлланилмаганлиги аниқланган тақдирда, тегишли солиқ органининг мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик фаолияти (аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларидан ташқари) янги қонунчилик бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ равишда олиб борилади. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (лицензияловчи орган) томонидан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Аудиторлик фаолиятининг молиявий назорат воситаси сифатидаги ҳолатини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган вазирликлар, қўмита ва компаниялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ўзлари бошқараётган корхоналарни аудит текширувидан ўтказиш учун ҳеч қандай тендер танловлари ўтказмасдан ёки бундай танловларни номигагина ўтказиб, қатор йиллар мобайнида бир аудиторлик ташкилотини танлаётганлиги ва рисоладагидек аудит хулосасини олаётганлиги ҳолларини кўриш мумкин. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, ҳозирча лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Лекин аудиторлик ташкилотларининг бу даражада камлиги аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши ва ундаги рақобат муҳитига таъсир кўрсатади ва бу хизматлар учун баҳолар кескин ортиб кетишига олиб келади.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний ҳуқуқий база ва бошқа шароитлар тўлиқ шакллантирилганига қарамай аудит тизимидаги ишлар ҳолати давр талабига жавоб бермаслиги нуқтаи назаридан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 26 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси киритилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 189¹- Аудитор томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини қасддан яширилиши ва била туриб ёлғон аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосасини тузилиши деган модда билан тўлдириш назарда тутилган. Бироқ, бу моддада: “Аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган қонун ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китоби юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашга доир талаблар бузилганлиги ҳолларини қасддан яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб ёлғон аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосасини тузиши, шу қилмишлар учун маъмурий жазо тури қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса ҳамда давлатга ва/ёки текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг эгаларига йирик миқдорда зарар етказилишига олиб келган бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан бирга энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади” деб белгиланган.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида мазкур модданинг айрим нормалари “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 2¹- моддаси ва 7-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4

апрелда қабул қилинган “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 615-сонли Қарори ва шу Қарорга илова қилинган “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низом”нинг 3-банди талабларига зид эканлиги аудиторлик фаолиятига кескин таъсир кўрсатиши билан бирга аудит хизмати бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлиши муаллиф томонидан асослантирилган ҳолда тушунтириб берилди. Натижада мазкур Қонун Жиноят кодексига тааллуқли бўлган 189¹ – моддаси чиқариб ташланган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 179-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги янги ном билан қабул қилинди⁴⁴.

Шу нуктаи назардан аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини амалиётдаги ҳолати қонун моддалари асосида таҳлил қилинганда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Амалда учраётган айрим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида мамлакатда аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи, малака ошириш ва малака имтиҳонларини қабул қилувчи ҳамда аттестациядан ўтказувчи, шунингдек аудиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аудиторлик текшируви сифатини мониторинггини амалга оширувчи, миллий стандартлар талаблари ва аудиторлар ахлоқ кодексига риоя қилишини таъминловчи шу билан бирга ушбу муаммоларни бартараф этишдан иборат бўлган таклифларни амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, норматив ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари бўйича эса мамлакат ҳукуматига юборишдан иборат бўлган мутасадди бир ташкилотга юклатиш заруратини инобатга лиши лозим.

⁴⁴Қаранг: Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.: 2008, 12-13-б.

Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун қулай вариантлардан бири хусусий аудиторлар фаолиятдан фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, қонуннинг 3-моддасига асосан аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир. Лекин шахс сифатида хусусий аудиторлик фаолияти билан шуғулланишнинг ҳуқуқий томонлари, яъни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда ўз аксини топмаган. Бу эса яқка тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга монелик қилади. Ҳозирги бозор талабларидан келиб чиқиб, хусусий аудитор ўз фаолияти натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали бу фаолиятни янада такомиллаштириш тавсия этилди. Муаммонинг ижобий ечими мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада раванқ топишида муҳим омил бўлади.

Ҳисоб ва ҳисобот ишларининг қай даражада ташкил этилганлиги ҳамда жамиятнинг йиллик фаолиятини таҳлил этиш ва унга баҳо беришда корпоратив бошқарувнинг узвий бир бўлаги сифатида ички аудиторлик хизмати алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки корхоналарда корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи энг самарали восита аудит ҳисобланади. 2007 йил 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматларини ташкил этилиши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

4-жадвал

Ташқи ва ички аудит хизматининг тавсиф жиҳатдан фарқланиши

Фарқ қилувчи белгилари	Ички аудит хизмати	Ташқи аудит
Мақсади бўйича	Корхона раҳбарияти	Молиявий ҳисоботларнинг

	томонидан белгиланади	ҳаққонийлигини баҳолаш ва амалдаги қонунчиликка риоя этилаётганлигини тасдиқлаш
Қўйилган вазифаларга кўра	Корхона бўлимлари ёки умуман корхонанинг талабига кўра корхона кенгаши ва бошқарувчиси томонидан белгиланади	Мустақил томонлар ўртасидаги шартномага асосан: корхона ва аудиторлик фирмаси
Жавобгарлиги бўйича	Мажбуриятни бажарганлиги учун раҳбарият олдида	Мижоз ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган учинчи шахслар олдида
Объекти бўйича	Бошқарувнинг алоҳида функционал масалаларини ечиш, корхонанинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва текшириш	Корхонанинг ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботларини текшириш
Субъекти бўйича	Корхона раҳбариятига бўйсунувчи ва штат таркибидаги ходимлар	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахс
Ҳуқуқий жиҳатлари бўйича	Мустақил белгиланади (ёки корхоналарда ички аудит ўтказиш тўғрисидаги Низоми)	Умум қабул қилинган аудиторлик стандартлари билан белгиланади
Фаолият тури бўйича	Ижро фаолияти	Тадбиркорлик фаолияти
Ўзаро муносабат бўйича	Корхона раҳбариятига бўйсунуши ва ундан мустақиллиги	Тенг ҳуқуқли шерикчилик, мустақиллик
Хизматлар учун ҳақ тўлаш принципларига кўра	Штат жадвалига асосан иш ҳақи	Ҳақни мижоз–корхона ёки унинг розилигига кўра аудиторлик хулосасини олишга эҳтиёжи бўлган орган тўлайди
Услубий жиҳатлари	Услубий жиҳатлари бир хил, аммо қўйилган мақсадлар хилма-хиллигидан келиб чиқиб ҳар хил нисбатларда қўлланилади	
Ҳисоботнинг тақдим этилиши бўйича	Корхона эгаси ва бошқарув органига	Аудиторлик хулосанинг якуний қисми нашр этирилиши мумкин, таҳлилий қисми мижозга топширилади

Манба: Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2008, 16-б.

Бу эса корпоратив бошқарувни ривожлантириш йўлида асосий поғона, корхона хўжалик фаолиятини юқори сифат даражасига кўтаришда муҳим омил деб қараш керак. Шу нуқтаи назардан ташқи аудитдан ички аудит тавсифини 11 жиҳатдан фарқланиши ва корпоратив бошқарув шаклида ички аудит хизматининг афзалликлари кўрсатиб ўтилди (Қаранг: 2-жадвал).

Мамлакатимиз иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг аралашуви ҳамда вазифаларини қисқартиришга, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг йўл очиш орқали иқтисодий муносабатларни либераллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бошқарув тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ва бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланаётган айрим асоссиз харажатларни қисқартириш ҳозирги куннинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ишлаб чиқаришни бошқаришга қилинган харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил этиш мураккаб муаммолардан бири бўлиб, унинг ечимини топиш бошқарувни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва бошқарувни такомиллаштиришга доир тадбирлар самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил этишнинг мақсади – услубий томондан олиб қаралганда, бошқарувга қилинадиган харажатларни камайтириш ва бундан олинadиган энг юқори натижаларни аниқлашдан иборат. Корхона бошқарувининг иқтисодий самарадорлигини умумий баҳолашдан ташқари, функционал хизмат бўлимларининг меҳнатини ҳамда улар бажарадиган функцияларни ва бошқарувнинг иш турларини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодчи олим А.А.Каримовнинг фикрича «бошқарув самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва корхоналарда бошқарувни ташкил этиш даражасини миқдорий жиҳатдан баҳолаш ички аудит хизмати томонидан амалга оширилмоғи лозим. Чунки ички аудит хизмати – корхона бошқарувининг ижро органи ва таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш йўли билан улар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилишини таъминлайди. Бошқарув самарадорлигини аниқлашда ички аудит хизмати бошқарув аппаратининг бир маромда ишлаши, унинг тежамлилиги ва кадрлар қўнимсизлиги каби бир нечта коэффициентлар орқали амалга оширади.

Олинган маълумотлар асосида кузатув Кенгашини ишончли ахборотлар билан таъминлаш, корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беради»⁴⁵.

Профессор Ш.Н. Файзиев аудитнинг истикболдаги йўналишларини ислоҳ этишга дои қуйидаги фикрни билдиради: “Республикамизда аудит ишларини ташкил этишда асосан ташқи аудит томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувлари кўзда тутилади. Бизнингча, Ўзбекистонда ҳам бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш, касби, иш стажи, касбий малака сертификатига бўлган талабни ошириш зарур. Аудиторлик фирмалари томонидан бажариладиган иш, хизматларни тузилиши бўйича қуйидагича таққослаш мумкин. АҚШдаги халқаро ва миллий аудиторлик фирмаларининг асосий фаолияти 55% аудит қилиш, 20% бошқарув характеридаги маслаҳатлар хизмати, 20% солиқ ва солиққа тортиш бўйича маслаҳатлар беришдан асосий даромад манбаи ҳосил бўлади. Ўзбекистонда эса хорижий фирмалар аудиторлик фаолиятдан келиб тушадиган жами даромаднинг атиги 7%ини ташкил этиб, унинг асосий қисми «Аудит қилиш», «Бошқарув характеридаги маслаҳат хизматлари»дан келиб тушади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида йирик аудиторлик фирмалари «катта тўртлик» хизматидан фойдаланиш соҳасини янада кенгайтириш керак. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аудиторлик фирмалари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни халқаро аудиторлик стандартлари талаблари асосида ташкил этиш зарурияти келиб чиқди.


Чунки, Ўзбекистонда ҳам аудиторлик фирмаларини фаолият тури, устав капитали, ходимлари сони, хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги №365-сонли қарори асосида ташкил қилиш зарурдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида

⁴⁵Қаранг: Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.: 2008, 14-16-б.

Аудит соҳасида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларга, аудитнинг миллий стандартлари ва аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан аудиторлик фирмаларини ташкилий рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш ва аудиторларнинг малака сертификатларини бериш тартибини такомиллаштириш зарурдир. Ўзбекистонда 2003 йилгача 505 та аудиторлик фирмалари Молия Вазирлиги ва Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган. Аудиторлик назоратида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи қабул қилинган ҳаракатдаги меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда йқриқномаларга мослиги текширилади”⁴⁶.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амал қилаётган Миллий Аудиторлик Стандартлари (МАС) Халқаро аудиторлик стандартлари (ХАС) асосида ишлаб чиқилгани билан ҳозирча фақат алоҳида олинган жиҳатлар бўйича ХАСга мувофиқлаштирилган. Бу ҳолат билан боғлиқ ҳолда миллий аудитни жаҳон ҳамжамияти стандартларига яқинлаштириш қийинчиликлари куйидаги схемада ифодаланган (қаранг: 2-чизма).

Бу соҳада пайдо бўлган муаммоларни поффессионал этикани қатъий равишда сақлашга мойил ва ўз касбий маҳоратини оширишга интилаётган аудиторларни бирлаштирган ташкилотлар воситасида ечимини топиш мумкин. Бу соҳада олий ўқув юртлари, ташкилотлар ва малака ошириш марказлари олдида катта вазифалар турибди. Олий ўқув юртларини битирувчи мутахассислар халқаро стандарларни яхши ўзлаштирган ҳолда амалиётга юборилишлари лозим. Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари фаолияти, аудиторларнинг иш сифатларини назорат қилиш тизими даражасини ҳам юқори эмаслигини кайд этиш лозим⁴⁷.



2-чизма.Халқаро стандартларга ўтиш муаммолари

Манба: Тулаходжаева М.М.,Пономарева А.Н. Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан.-Ташкент:ПРООН, 2010, с.18.

Шуниингдек, аудиторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун уларни ривожланган мамлакатларда стажировкаларини ташкил этиш, халқаро аудит ташкилотари вакиллари иштирокида халқаро семинарлар ўтказиш, янги хорижий аудитга доир адабиётларни таржима қилиш, олий таълим тизимида аудитга доир амалиёт муддатларини узайтириш каби вазифаларни амалга ошириш бу соҳада пайдо бўлган муаммоларни камайитиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, аудит соҳасида охборот-коммуникация воситаларини қўллаш, бу жараёни автоматлаштириш ҳам ҳозирги давр талабига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатларини чуқурлашиб бориши, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни юксалиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг сонини кескин ортиши, уларнинг ЯИМдаги улушини

янада кўпайиши, молиявий назорат тизимини электрон ҳукумат билан яқин алоқаларини ўрнатилиши, молиявий жараёнларни мураккаблашув ва такомиллашув жараёнлари аудит хизматини ҳам замонавий талабларга жавоб беришини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатнинг молиявия тизимни ривожлантириш стратегиясида назорат тизимини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизимини шаклланиши, амал қилиши ва уни такомиллаштириш жараёнларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат учун хос бўлган давлат ва нодавлат молиявий назорат тизими мустақиллик даврига келиб шаклланди ва у ривожланиб бормоқда;

- молиявий назоратни амалга оширишнинг Ўзбекистонда шаклланган конституциявий ва қонунчилик асослари, янги шаклланган молиявий назорат олиб бориш усуллари ва жараёнлари демократик тамойиллар ва халқаро стандартларга мувофиқ келади:

- мамлакатда молиявий назорат тизими Президент Қарорлари, Фармонлари асосида миллий манфаатлар, фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқлари талабларидан келиб чиқиб муттасил равишда ривожлантирилмоқда;

- Ўзбекистонда фаолият юритаётган молиявий назорат олиб бориш субъектлари ҳозирги замон талаблари асосида фаолият юритиб, уларнинг аксарияти бу соҳадаги халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этмоқдалар, миллий молиявий назорат тизими халқаро ташкилотлар томонидан демократик тамойиллар асосида фаолият юритувчи органлар сифатида эътироф этилмоқда;

- миллий молиявий назорат тизими ўз фаолиятида халқаро стандартларга амал қилиш асосида миллий манфаатларга асосланган анъаналарни ҳам ривожлантириб бормоқда;

- Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ мамлакатда молиявий бошқарувни, хусусан молиявий назоратни либераллаштиришнинг янги мақсад ва вазифалари илгари сурилди.

Концепцияда асосан ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий муаммоларни бартараф этишга муҳим эътибор берилди. Концепцияда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб

чиқиш, шунингдек қонунларда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш вазифалари қўйилди. Шу билан бирга, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилишга ҳам муҳим эътибор қаратилди. Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқиш, “Кредит бюrolари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риелторлик фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларни қабул натижасида мамлакатдаги молиявий назорат тизимини либераллаштириш ва такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги даврда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги учун молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш зарурият пайдо бўлди. Инқироз даврида миллий молиявий назорат тизими катта тажрибалар тўплади. Лекин иқтисодиётни либераллаштириш ва инқироз оқибатларини юмшатиш учун молиявий назорат тизимини ривожланган мамлакатлар ва миллий тажрибалар асосида янада такомиллаштириш зарур.

Шу тариқа, мавзу асосида тадқиқотлар олиб бориш натижасида молиявий назорат тизимини такомиллаштириш ва либераллаштиришга доир баъзи фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар шаклланди. Улар асосан қуйидагилардан иборатдир:

- давлат молиявий назорат тизимини такомиллаштириш, уни ҳозирги иқтисодиётни либераллаштириш ислохотларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадларида янги ҳуқуқий актлар қабул қилиш лозим;

- мамлакатдаги барча молиявий органлар фаолиятини самарали мувофиқлаштиришга доир низом қабул қилиш ва назорат органларини вакиллик органлари олдидаги ҳисоботлаприни кўзда тутадиган моддалар киритиш лозим;

-назорат органлари ходимларини улар келтирган иқтисодий кўрсаткичлар асосида меҳнатларини баҳолаш, бунда уларнинг турли қонунбузарликларни олдини олишга доир фаолиятлари учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш зарур;

- парламентнинг молиявий нazorат қилиш ваколатлари каби ҳуқуқларни тегишли ҳудудларда маҳаллий вакиллик органлари томонидан ҳам амалга оширишга доир ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилиши лозим;

- мамлакатдаги банкларнинг нazorат функцияларини оширишга доир ҳуқуқий актлар қабул қилиш лозим;

-мамлакатда бухгалтерлик ва молиявий нazorат жараёнларини очиқлигини таъминлаш учун улар фаолиятини ёритадиган махсус бюллетенлар нашр этиш лозим;

-академиялар таркибида молиявий нazorат соҳасида кадрлар малакасини оширадиган махсус факультетлар очишга зарурат сезилмоқда;

-молиявий нazorат текширувчиларининг Ахлоқий кодексини такомиллаштириш, унда миллий кадриятларга хос бўлган жиҳатларни кенг ифода этилишига муҳим эътибор бериш лозим;

-Халқаро аудит стандартларига ўтишда давлат органлари, аудиторларнинг профессионал бирлашмалари ва ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик асосидаги фаолиятини янада мустаҳкамлаш зарур;

-мамлакатдаги аудит тизимини меъёрий-ҳуқуқий базаларини янада ривожлантириш лозим;

-ХАСни қўллашга доир кадрларни тайёрлаш ишини кучайтириш лозим;

-аудиторлик ташкилотларини ХАСга ўтиши учун уларнинг кўникамалари ва малакаларини ошириш лозим;

-ХАСга ўтиш мақсадида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, - 2010.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси: Рсмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат », 2008. -692 б.

1.1.3. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил 25 май. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2000. № 5-6.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), "Солиқ тўловчи журнали". 2004 йил 4-сон, 3-7 бет.

1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.

1.1.6. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. (ЎЗР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни, ЎЗР 04.04.2006 й. ЎРҚ-28-сон Қонуни, ЎЗР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни асосидаги ўзгартиришлар билан)

1.1.7. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарорига 2-илова «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида» Низом.

1.1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарорига илова «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида» Низом.

1.1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарори - «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида».

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

1.2.1. "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги Фармони. // "Тошкент ҳақиқати" газетаси, 2005 йил 25 июн, №51.

1.2.2. "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. // "Мулқдор" газетаси, 2005 йил 24 июн, №30-31.

1.2.3. "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. // "XXI аср" газетаси, 2005 йил 16 июн, №25.

1.2.4. "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. // "XXI аср" газетаси, 2005 йил 16 июн, №25.

1.2.5. "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2003 йил 24 январдаги Фармони // "Тошкент оқшоми" газетаси, 2003 йил 27 январ.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори, 1998 йил 27 май.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналар иқтисодий нозоратининг белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими" тўғрисидаги Қарори, 1999 йил 26 июл.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.:Ўзбекистон,1996.-364 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.

2.3. Каримов И.А.Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. Т.:Ўзбекистон, 1997.-384 б.

2.4.Каримов И.А.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.

2.5.Каримов И.А.Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999.-410 б.

2.6.Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.:Ўзбекистон, 2000.-528 б.

2.7.Каримов И.А.Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон,2001.-432 б.

2.8.Каримов И.А.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон,2002.-432 б.

2.9.Каримов И.А.Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003.-320 б.

2.10.Каримов И.А.Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004.-400 б.

2.11.Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т.:Ўзбекистон, 2005.-448 б.

2.12.Каримов И.А.Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14.-Т.:Ўзбекистон, 2006.-280 б.

2.13.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.:Ўзбекистон,2005.-96 б.

1.14.Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.-Т.: Ўзбекистон, 2005. -144 б.

2.15. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга

мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

2.16.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2.17.Каримов И.А.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 27 январь //Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2010.-46 б.

2.18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-64 б.

2.19. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, хлқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилди.” –Т.: Ўзбекистон, 2011.-44 б.

III. Китоб ва бошқа нашрлар

3.1.Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 102 б.

3.2.Бланд М. Финансовый кризис. -М.: АСТ-Астрил-Харвист. 2008. - 288 с.

3.3.Быстрыков А.Я. Реформа государственного финансового контроля (вопросы теории и практики) – М., 2003.321 с.

3.4.Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“IQTISOD-MOLIYA”, 2008. -С.313.

3.5.Воронин Ю.М. Государственный финансовый контроль: вопросы теории и практики. – М., 2005.-С.292.

3.6.Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами / Пер. с англ. – М., 2000.-482 с.

3.7.Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.-612 б.

3.8.Ирвин Д. Финансовый контроль.Пер.с англ.И.М.Щитинской.- Москва:Финансы и статистика, 1998.-144 с.

3.9.Лукьянова З.А., Горская О.В.,Рерих Л.М.,Третьякова О.В., Степанова Л.Ю.Финансы.-Новосибирск: НГУЭУ, 2008. -С.352.

3.10.Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. -240 с.

3.11.Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.-Т.: ТМИ. 2004. -348 б.

- 3.12.Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ўқув қўлланма.-Т.: Тошкент Ислон Университети. 2002.-280 б.
- 3.13.Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.
- 3.14.Мешалкина Р.Е. Теоретические вопросы государственного финансового контроля // Финансы, 2003. № 12, с.24-36.
- 3.15.Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Академия. 2002. -176 б.
- 3.16.Подольский В.И. Аудит. – М.: ЮНИТИ, 2001.-362 с.
- 3.17.Ризақулов А.А., Нарзиев Р. Аудит, - Т.: 1999.-224 б.
- 3.1.18.Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б. Финансы: Учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2000. .-С.196.
- 3.19.Самые низкие темпы инфляции среди стран СНГ зафиксированы в Узбекистане. // Бизнес-вестник Востока, № 9, от 10 февраля 2009, с.2-5.
- 3.20.Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001.-186 б.
- 3.21.Срожиддинова З.Х., Вахобов А.В., Сиддиков Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001.-182 б.
- 3.22.Тренев Н.Н. Управление финансами: Учебное пособие. -М.,2003.-421 с.
- 3.23.Тўлаходжаева М.М. Корхона молиявий аҳволини аудити. 1996.-142 б.
- 3.24.Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан.-Ташкент: Издательский дом “Мир экономики и права”, 1998. -176 с.
- 3.25.Тулаходжаев М.М.,Илҳомов Ш.И.ва бошқ. Аудит.-Тошкент:ТДИУ, 2008.-608 б.
- 3.26.Файзиев Т.Ю. Аудит.-Тошкент: ТМИ, 2006.-420 б.
- 3.27.Файзиев Ш.Н., Авлоқулов А.З. “Аудит” фанидан маъруза матни.- Тошкент: ТМИ, 2010.-510 б.
- 3.28.Файзиев Т.Ю. Аудитнинг халқаро стандартлари.-Тошкент: Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг Нашриёт – маълумот Маркази, 2005.-188 б.
- 3.29.Финансы, налоги и кредит: Учебник / Под общ. ред. И.Д.Мацкуляка. – М., Изд-во РАГС, 2007.-456 с.
- 3.30.Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг манتيқий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008.- 57 б.
- 3.31.Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001.-326 б.
- 3.32.Яхшибоев Ғ. Молиявий назорат// Молия:умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент:“IQTISOD-MOLIYA”, 2008.214-271-б.
- 3.33.Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.-352 б.
- 3.34.Ўразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. II-қисм, Самарқанд, СамИСИ, 2004. -227 б.

I.V. Интернет сайтлари:

- 4.1.www.tfi.uz
- 4.2.www.stat.uz
- 4.3.www.bankir.ru
- 4.4.www.ref.uz
- 4.5.www.cbu.uz
- 4.6.www.audit.uz
- 4.7.www.lex.uz
- 4.8.<http://www.fm.go.ru>
- 4.9.<http://www.worldbank.com>
- 4.10.<http://www.businesspress.ru>
- 4.11.<http://www.credits.ru>

ИЛОВАЛАР

1-илова

Молиявий назорат

Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда қаралади:


Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир

Барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус қатъий тартибга солинган, ташкил этилган назорат органларининг қатъий тартибга солинган фаолияти


Молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро ва микродаражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас элементи

Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назоратга **молиявий назорат** дейилади

Молиявий назорат




**Тараққий этган мамлакатларда
молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва
иккинчи томондан, мустақил бўлган икки соҳага бўлинади:**



4-илова

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ


5-илова





6-илова

Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар қуйидагилардан иборат



**AISPA томонидан ишлаб чиқилган аудиторлик фаолиятига оид
стандартлар**



Гуруҳлаш белгилари	Назорат-аудит услубларининг мақсади
Мақсадига кўра	Белгиланган режаларнинг асослилиги ва аниқлигини баҳолаш. Иқтисодий потенциалидан фойдаланиш ва хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қилиш. Техника, технология ҳолатини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ўрганиш. Содир этилган операцияларни қонуний ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш. Маблағларни ўғирланиши ва суистеъмолларини топиш.
Фойдаланиш ҳажмига кўра	Умумий Хусусий.
Босқичлари бўйича	Асосий. Яқунловчи.
Хўжалик ҳисоби муносабатлари бўйича	Пудратли. Ижарали. Ширкатли.
Ташкилий даражаси бўйича	Ички идоравий. Ички хўжалик.
Субъектлари бўйича	Ўзини-ўзи назорат қилиш. Ўзаро назорат қилиш. Жамоа назорати. Аудиторлик назорати. Давлат назорати.
Ишлаб чиқариш фаолиятининг босқичлари бўйича	Ташкилий босқич. Технологик босқич. Молиявий босқич.
Даврийлиги бўйича	Даврий. Ўрганиш. Кузатиш.
Йўналишлари бўйича	Савдо фаолияти. Ишлаб чиқариш фаолияти. Тайёрлов фаолияти. Қурилиш фаолияти. Транспорт (юк ташиш) фаолияти.
Қамров даражаси бўйича	Ёппасига. Танлаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларининг умумий тавсифи

Стандартнинг номи	Номери	Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган санаси ва рўйхат рақами	Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган санаси ва рўйхат рақами
Аудитни режалаштириш	3-сон	14.07.1999 й. N 54	10.11.1999 й. N 837
Аудит иши сифатини назорат қилиш	5-сон	04.08.1999 й. N 62	03.09.1999 й. N 811
Аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш	6-сон	04.08.1999 й. N 61	03.09.1999 й. N 812
Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги	9-сон	04.08.1999 й. N 63	03.09.1999 й. N 813
Молиявий ҳисоботда бўлган бошқа ахборот	10-сон	09.09.1999 й. N 75	23.09.1999 й. N 822
Маълумотларнинг компьютер ишлови (МКИ) шароитида аудит	11-сон	09.09.1999 й. N 76	23.09.1999 й. N 823
Таҳлилий таомиллар	13-сон	04.08.1999 й. N 64	03.09.1999 й. N 814
Аудиторлик танлаш	14-сон	27.07.1999 й. N 59	03.09.1999 й. N 815
Эксперт хизматидан фойдаланиш	16-сон	27.07.1999 й. N 60	03.09.1999 й. N 816
Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганида аудиторлик ташкилотининг иш туриши	24-сон	31.05.2001. № 49	30.06.2001й. N 1045
Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишни текшириш	25-сон	27.01.2003. № 14	28.02.2003. № 1223
Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш	31-сон	31.05.2001 N 48	21.06.2001й. N1043
Аудиторлик далиллари	50-сон	03.02.2002 № 48	18.04.2002й. N1128
Алоқадор шахслар ўртасида битимлар бўйича аудиторлик далиллари олиш таомиллари	55-сон	27.01.2003. № 15	03.03.2003. № 1224
Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ходисалар	56-сон	09.04.2003 N 54	
Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш	60-сон	27.01.2003 N 16	20.02.2003 й. N 1221
Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси	70-сон	14.02.2001 й. N 20	10.03.2001 й. N 1016
Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи	80-сон	27.01.2003 N 13	19.02.2003 й. N 1220
Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари	90-сон	14.02.2001 й. N 19	10.03.2001 й. N 1017

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ РЎЙХАТИ

00-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартлари ва турдош хизматларга изоҳ»
110-сон ХАС	«Терминлар глоссарийси»
100-сон ХАС	«Халқаро аудит стандартларининг концептуал асослари»
200-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий тамойиллар»
210-сон ХАС	«Аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хати»
220-сон ХАС	«Аудит сифатини назорат қилиш»
230-сон ХАС	«Хужжатлаштириш»
240-сон ХАС	«Алдаш ва хато»
250-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот аудити бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қўриб чиқиш»
300-сон ХАС	«Аудитни режалаштириш»
310-сон ХАС	«Бизнесни билиш»
320-сон ХАС	«Аудитда муҳимлик»
400-сон ХАС	«Таваккалчиликни ва ички назорат тизимини баҳолаш»
401-сон ХАС	«Компьютер ахборот тизими шароитида аудит»
402-сон ХАС	«Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи субъектлар аудитига доир саволлар»
500-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар»
501-сон ХАС	«Аудиторлик далиллар – аниқ моддаларга тааллуқли қўшимча саволлар»
510-сон ХАС	«Дастлабки молиявий ҳисобот аудитида бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг маъсулияти»
520-сон ХАС	«Таҳлилий амаллар»
530-сон ХАС	«Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари»
540-сон ХАС	«Ҳисоб баҳолашларнинг аудити»
550-сон ХАС	«Манфаатдор томонлар»
560-сон ХАС	«Келгуси давр молиявий маълумотларини ўрганиш»
570-сон ХАС	«Узлуксиз фаолият»
580-сон ХАС	«Субъект раҳбариятига тушунтириш бериш»
600-сон ХАС	«Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш»
610-сон ХАС	«Ички аудит хизмати ишини қўриб чиқиш»
620-сон ХАС	«Эксперт хизматидан фойдаланиш»
700-сон ХАС	«Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси»
710-сон ХАС	«Таққосланадиган кўрсаткичлар»
720-сон ХАС	«Текширилган молиявий ҳисоботларда бошқа ахборотлар»
800-сон ХАС	«Махсус мақсаддаги аудит шартномаси бўйича аудиторлик ҳисобот»
810-сон ХАС	«Истикболли молиявий маълумотларни текшириш»
910-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув»
920-сон ХАС	«Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув»
930-сон ХАС	«Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув»

**Тошкент Молия институти Магистратураси “Аудит” мутахассислиги II курс
талабаси Қирғизбоева Соҳиба Мухтаровнанинг иқтисод магистри даражасини олиш учун
ёзилган “Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими ва уни
такомиллаштириш» мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг ўтган 20 йили ичида мамлакатдаги молиявий назорат тизими доимий равишда такомиллашиб борди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда парламент назоратини муваффақиятли амал қилиш, ҳукумат назорат-тафтиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, мустақил аудит тизимини такомиллаштириш тажрибаси бизнинг мамлакатда ҳам самарали молиявий назорат тизимини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Маълумки, ривожланган мамлакатларда молиявий назорат органларини дифференциялашганлиги амалий ҳаётда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини демократик принциплар асосида бўлинганлигига асосланади.

Албатта, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган мамлакатларда оқилона молиявий тизим ва молиявий назорат тизими шаклланиши билан улар тажрибасини адекват равишда Ўзбекистон воқелигига кўчириб олиш мумкин эмас: чунки, ўртада турли миллий ва иқтисодий ўзига хос хусусиятлар бир-биридан фарқлинишини эътиборга олиш лозим.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда молиявий назорат тизимини, айниқса аудитни бу жараёндаги ўрнини илмий таҳлил этиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Молиявий назорат тизимини қуйидаги тизим ости компонентлардан иборат бирлик асосида тадқиқ этиш: давлат бюджет-молиявий назорат, молиявий-хўжалик назорати, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил назорати ва ички назорати; Ўзбекистонда мустақиллик даврида шаклланган молиявий назорат тизимини, айниқса аудитни такомиллаштириш ва демократлаштириш жараёнларини тадқиқ этиш;

Қилинган ечим ва таклифлар. молиявий назорат олиб боришнинг энг замонавий усуллари ўрганилиб, уларнинг натижалари Ўзбекистондаги воқелик учун таклиф этилди; Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган аудитни молиявий назорат тизими институти сифатидаги ривожланиш жараёни асослаб берилган; молиявий назоратни амал қилиш ва ташкил этиш концепцияси урта таркибий қисмлар – бюджет-молиявий назорат, молиявий-хўжалик, шунингдек ички назорат, мустақил ташқи ва ички аудитларнинг ягона тизим ости компонентлари сифатида тадқиқ этилди; Ўзбекистондаги молиявий назорат тизимини такомиллаштириш “Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш” концепциясида илгари сурилган ғоялар асосида таҳлил этилди; мамлакатимизда аудитни молиявий назорат тизимининг энг асосий бўғини сифатидаги фаолиятида пайдо бўлаётган баъзи муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари таклиф этилган; мамлакатдаги молиявий назорат тизимини, айниқса, аудитни янада такомиллаштиришга доир таклифлар, тавсиялар, фикр ва мулоҳазалар шакллантирилди.

Илмий ва амалий аҳамияти: Диссертация таҳлиллари, хулосалари ва унда қайд этилган муаммолар аудитга доир назарий жиҳатларни бойитишга хизмат қилади. Ишдаги хулосалар, материаллар, таклиф ва тавсиялардан аудит ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабалар ва шу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ишдаги материаллардан аудиторлар ўз назарий савияларини бойитиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Мазкур ишда ҳозирги молиявий инқироз шароитида молиявий назоратни жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштиришга доир мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан асосланиб, уларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Диссертация натижалари Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган аудит ташкилотлари амалиётида фойдаланиш мумкин.

АННОТАЦИЯ

на диссертацию написанной для получения степени магистра экономики студентки 2-го курса Магистратуры Ташкентского Финансового института по специальности “Аудит” на тему: “Финансовая контрольная система в Узбекистане и ее совершенствование” Киргизбоевой Сохиба Мухтаровны.

Актуальность темы. За период 20-ти летней независимости нашей республики, постоянно совершенствовалась система финансового контроля страны. Особенно, в развитых странах сложились и успешно функционируют системы государственного (парламентского) контроля, правительственные контрольно-ревизионные системы, организованные при исполнительной власти, а также, системы независимого аудита благоприятно влияло на эффективность формирования системы финансового контроля.

Известно, что дифференциация системы контрольных финансовых органов в развитых странах основывается на практике разделения власти между представительными, исполнительными и судебными органами.

Несмотря на то, что страны рыночной экономики имеют довольно рациональные финансовые системы и системы финансового контроля, они не могут адекватно применяться в странах СНГ, в частности в Узбекистане, так как должны быть учтены имеющиеся национальные и экономические особенности.

Также, в современный период роль научного анализа финансовой-контрольной системы, особенно аудита в этом процессе имеет важное и актуальное значение.

Цель исследования. Рассмотреть финансовый контроль как систему, включающую в себя в качестве подсистем системы государственного бюджетно-финансового контроля, финансово-хозяйственного контроля, независимого контроля и внутреннего контроля хозяйствующих субъектов, исследование процессов совершенствования и демократизация системы финансового контроля, особенно аудита, в котором формировались в период независимости Узбекистана.

Осуществленные решения и рекомендации. Изучая самые современные методы проведения финансового контроля, их результаты рекомендовались на действительность в Узбекистане; аудит была изучена как развивающийся институт в системе финансового контроля в котором присуще гражданскому обществу и правовому государству; концепция организаций и функционирования системы финансового контроля представлена как совокупность 3-х составляющих её подсистем, это: бюджетно-финансовый контроль и финансово-хозяйственный, в том числе внутренний контроль, а также, независимый внешний и внутренний аудит; совершенствование системы финансового контроля, анализировалась на основе продвинутых идей в «Концепции по дальнейшему углублению демократических реформ и формирования гражданского общества в стране»; определены возникающие проблемы в деятельности аудита как основное звено системы финансового контроля в нашей стране, и предлагались их решения; сформировано предложения и рекомендаций по совершенствованию системы финансового контроля, особенно аудит в нашей стране.

Научное и практическое значение. Анализы и заключения подчеркнутые проблемы диссертации могут служить обогащению теоретических аспектов аудита. Из заключении материалов, предложений и рекомендаций диссертации могут использовать студенты и исследователи которые занимаются в этой отрасли.

А также, из материалов диссертации могут использовать аудиторы для повышения своих теоретических уровней знаний. В данной работе обосновывались проблемы совершенствования финансового контроля на мировом опыте в условиях финансово-экономического кризиса, предложения и рекомендаций по их предотвращению.

Отрасль применения (использования): Результаты диссертации могут использованы аудиторскими организациями в которые действуют в Республике Узбекистан.

Dissertation thesis of Sohiba Kirgizbaeva Muhtarovna on academic degree competition of the master of economy, Audit specialty of Magistracy of the Tashkent Institute of Finance, on the topic “Financial control system in the Republic of Uzbekistan and its development”

Relevance of the topic: For 20 years of the independence the financial control system of our country has constantly developed. Particularly, international experience of advanced countries in relation to successful implementation of parliament control, and improvement of a state audit system as well as an independent audit system has its positive influence on developing an efficient financial control system in our country. It is known that the differentiation of financial control bodies in advanced countries is based on the democratic principles of legislative, executive and judicial powers in practice.

No doubt that it is impossible to transfer the relevant experience without adapting to the situation in Uzbekistan, despite those market economy oriented countries possess appropriately developed financial system and financial control system. It's because of some specific features within in terms of national and economic issues.

That's why, today it is actual and important to research the role of financial control system, and audit, in particular.

Objectives of the research: To review financial control system in terms of relevant subsystem components including state budget-financial control, financial-economic control, independent and internal control of economic entities as well as to research financial control system formed in the independence period of Uzbekistan and audit development and democratization processes, in particular.

Conclusions and recommendations: Up-to-date methods of carrying out financial control will be studied and their outcomes will be proposed to adapt to the situation in Uzbekistan. The development process of audit as an institution of financial control system has been substantiated in accordance with the civil society and law based state of Uzbekistan. The concept of carrying out and managing financial control has been reviewed within three components such as budget-financial control, financial-economic control, and internal control being common subsystems of independent external and internal audit. The development of the financial control system of Uzbekistan has been analyzed on the basis of ideas set in the Concept of Further Deepening the Democratic Reforms and Developing the Civil Society Institutions in the Country. Several problems have been identified which are appearing in the process of auditing as a basic component of the financial control system in our country and their solutions have been suggested. Relevant suggestions, recommendations and comments have been provided for developing the audit – the financial control system in the country.

Scientific and practical value: The analysis, conclusions and problems identified in the dissertation will help to enrich the audit related theory. The conclusions, materials and recommendations of the work can be used by students majoring in the Audit specialty and post graduates who are researching this sphere. Auditors can also use the materials to improve their relevant knowledge. This work includes problems on developing financial control based on international experience in the situation of current financial crisis as well as recommendations for their solution.

Sphere of usage: The outcomes of the dissertation are applicable within audit organizations functioning in the Republic of Uzbekistan.

Диссертация Тошкент Молия институти "Аудит" кафедрасида
бажарилган.

Илмий рахбар: _____ и.ф.н. доц. Қўзиев И.

Расмий оппонент: _____ и.ф.н., доц. Азларов Д.

Кафедра мудири: _____ и.ф.д., проф. Файзиев Ш.Н.

Магистратура бўлими бошлиғи: _____ и.ф.н., доц. Аҳмедов Х.